

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ
ОЛИЙ ВА ЎРТА МАХСУС ТАЪЛИМ ВАЗИРЛИГИ
ҚАРШИ МУҲАНДИСЛИК-ИҚТИСОДИЁТ
ИНСТИТУТИ

БИОТЕХНОЛОГИЯ АСОСЛАРИ

фанидан

МАЪРУЗА МАТНЛАРИ ТЎПЛАМИ

*(5321000-Озиқ-овқат технологияси (маҳсулот турлари бўйича) таълим
йўналиши талабалари учун мўлжалланган)*

ҚАРШИ-2016

Маъруза матнлари тўплами Тошкент кимё технология институтида ишлаб чиқилган ҳамда Олий ва ўрта махсус таълим вазирлигининг 2012 йил 14 мартдаги №107 сонли буйруғи билан тасдиқланган БД-5320500-3.14 рақами билан 2012 йил мартда рўйхатга олинган “Биотехнология асослари” фанининг намунавий ўқув дастурига мувофиқ ишлаб чиқилди.

Маъруза матнлари тўплами Қарши муҳандислик иқтисодиёт институти “Қишлоқ хўжалик маҳсулотларини сақлаш ва дастлабки ишлаш технологияси” кафедрасининг 2016 йил “_____” _____даги ____-сонли, Технология факультети Услубий Комиссиясининг 2016 йил “_____” №_____-сонли, институт Услубий Кенгашининг 2016 йил “_____”даги №_____-сонли йиғилишларида муҳокама қилинган ва ўқув жараёнида фойдаланишга тавсия этилган.

Тузувчилар: катта ўқитувчи Р.Ч.Ишмухамедова

Такризчилар: 1. ҚарМИИ профессори, қ.х.ф.д.И.Эрназаров
2. Микробиология ва биотехнология фани бўйича
ҚарДУ доценти, биология фанлари номзоди
И.Ҳайитов

Annotasiya

Mazkur to'plamda biotexnologiya fani, rivojlanish tarixi, vazifalari, biotexnologiyaning molekulyar asoslari, gen injenerligi, mikroorganizmlarini ʻstirish va fermentlarni ajratish olish, biopreparatlar ishlab chikarish va immobilizasiya, biotexnologiya xalq x'jaligi, so'liqni saqlash va fan xizmatida, xujayra va t'ykima biotexnologiyasi xamda chorvachilikda biotexnologiya va gen injenerligi xakidagi bilimlar yz aksini topgan. Ma'ruzalar matni «Biotexnologiya asoslari» fani b'yicha tuzilgan namunaviy va ishchi dasturlar asosida tuzilgan.

Аннотация

Данный сборник отражает историю развития и задачу предмета. Также в сборнике приведены сведения по темам: биотехнологические основы молекулярной биологии и генная инженерия; производство биопрепаратов и иммобилизация; биотехнология на службе народного хозяйства, медицине и науки; клеточная и тканевая биотехнология в растениеводстве; биотехнология и генная инженерия в животноводстве. Текст лекций составлен на основе образцовой и рабочих программ по предмету «Основы биотехнологии».

The summary

At this lecture scientific lecture reflected about developing history of biotehnologi, function its moiecular basic, gene engineering; production biopreparation and immobilization, biotehnology in service of national culture, medical science, biotechnology of cell and tissue, biotehnology of animal husbandry and apply the today's biotehnology achivements at the producing of agrarian industry. This lecture text of «Bases of biotehnology» prepared by the model and work program.

1 – МАВЗУ: КИРИШ. БИОТЕХНОЛОГИЯ ФАНИ ҲАҚИДА УМУМИЙ ТУШУНЧА

РЕЖА:

1. Биотехнология фани ҳақида умумий тушунча
2. Биотехнологиянинг ривожланиш тарихи
3. Биотехнология фанининг вазифалари
4. Ўзбекистонда биотехнологиянинг ривожланиши
5. Биотехнология фанининг ривожланиш истикболлари ва муаммолари

Биотехнология фани ҳақида умумий тушунча. Ҳозирги вақтда инсоният фақатгина тирик организмларнинг яшаш даврида ҳосил бўлаётган маҳсулотлардангина фойдаланиб қолмасдан, тирик ҳужайраларда бўлаётган физиологик ва биокимёвий жараёнларни генетик ва ҳужайра инженерияси усуллари билан бошқариш йўли билан тегишли маҳсулотларни ишлаб чиқишга эришмоқда.

Шунинг учун ҳам охириги вақтларда биотехнологик маҳсулотлар рўйхати жуда ҳам кенгаймоқда.

Биотехнология бу - биология, кимё ва техника фанларининг илмий - техник тараққиёти ҳисобланади. *Тирик мавжудотларда (вирус, микроорганизм, ўсимлик ва ҳайвон) ҳужайраларда кечаётган ҳаётий жараёнлар тўғрисидаги билимлардан фойдаланиб, тирик мавжудотлар ёки уларнинг уларнинг ҳужайралари иштирокида саноат миқёсида маҳсулот ишлаб чиқарувчи технологиялар мажмуасига биотехнология деб айтилади.*

Биотехнологик усулларнинг кенг қўлланилиши озик - овқат, энергетика хом - ашё ва экологик муаммоларни ҳал қилишда катта рол уйнамоқда.

Биотехнологиянинг ривожланиш тарихи. Қадим замонлардан буён инсониятнинг ҳар хилдаги ҳаёт фаолиятида биотехнологик жараёнлар қўлланилган. Буларга нон пишириш, вино тайёрлаш, сут маҳсулотларини ачитиш ва бошқалар киради. Бироқ, ушбу жараёнларнинг биологик моҳияти XIX асрга келиб Луи Пастер томонидан аниқланган.

Биотехнологик жараёнларни ишлаб чиқишга рус олимлари катта ҳисса қўшган. Россияда ёғоч, қишлоқ хўжалиги чиқиндилари ва бошқаларни микробиологик қайта ишлаб асетон ва бутанол ишлаб чиқарадиган завод 1930 йилда В. Н. Шапошников раҳбарлигида қурилган. 1926 йилда углеводородларни микроорганизмлар воситасида оксидланишида биоэнергетик қонуниятлар ўрганилди.

Ҳозирги кунга келиб биотехнологик усулда антибиотиклар, ферментлар, витаминлар, ўсишни тезлатувчи ва тўхтатувчи моддалар, пестисидлар ишлаб чиқариш кенгайди. Ҳатто биотехнологик усулда табиий газни ўрнини боса оладиган биогаз ҳам ишлаб чиқилмоқда.

XX асрнинг 2-чи ярмида биокимё, биоорганик кимё, молекуляр биология соҳаларида эришилган фундаментал текширишлар ҳужайранинг фаолиятини бошқариш имкониятини яратди. Ушбу ғалаба ўз навбатида биотехнология фанини ривожланишига катта туртки бўлди.

Нуклеин кислоталарининг ирсий маълумотларни наслдан-наслга ўтишдаги ролини аниқланиши, генетик кодларнинг тушуниб олиниши, микроорганизмларни ўстириш технологиясининг такомиллашиши, ўсимликлар ва ҳайвонлар хужайраларининг генетик инженерлик усуллари ишлаб чиқиб, сунъий усулда юқори махсулдор организмларнинг янги шакллари яратиш имкониятларини яратди.

1972 йилдан бошлаб биотехнологияда Ген инженерияси усули қўллана бошланди. Ушбу усулда оксил структураси ва ферментлар активлигини бошқарилиши ўрганилиб оксилни мақсадли йўлга ўзгартириш имконияти туғилди.

Иммобилизасиялаштирилган (махсус сорбентларга бириктирилган) ферментлар саноатнинг турли соҳаларида каталитик реакцияларни бажарилишида мустақкам қурол бўлиб хизмат қилмоқда.

Биотехнология бу - биология, кимё ва техника фанларининг илмий - техник тараққиёти ҳисобланади.

Биотехнологик жараён бир неча этапларга бўлинади:

1. Биотехнологик муҳитни тайёрлаш.
2. Биотехнологик муҳитни ўстириш.
3. Биотехнологик муҳитни ажратиш.
4. Биотехнологик муҳитни тозалаш.
5. Биотехнологик муҳитни ўзгартириш (модификасия).

Жараённинг кўп этаплилиги генетиклар, молекуляр биологлар, биокимёгарлар, биоорганиклар, вирусологлар, микробиологлар, хужайравий физиологлар, инженер-технологлар, биотехнологик инструментлар ва бошқаларни ушбу ишга жалб этиш заруриятини туғдиради.

Биотехнология фанининг вазифалари. Биотехнологиянинг биринчи навбатдаги вазифаси қуйидагиларни яратиш ва халқ хўжалигида кенг қўлланилишидан иборат:

1. Медисинада касалликларни олдиндан аниқлашдан. Юрак ва қон - томири касалликларини, рак, ирсий инфекция, вирус ва бошқа касалликларни даволай оладиган биологик актив моддалар ва дори - дармонларни яратиш ва қўллаш.
2. Ўсимликларни ўсишини бошқарувчи моддалар, бактериал ўғитлар, ўсимликларни касалликлар ва ҳашоратлардан ҳимоя қиладиган микробиологик воситаларни яратиш ва қўллаш; генетик ва хужайра инженерияси усулида ҳар хилдаги ноқулай шароитларга мослаша оладиган нав дурагайларини яратиш.
3. Қимматбаҳо қўшимча озуқа ва биологик актив моддалар яратиб чорвачилик самарадорлигини ошириш, чорва молларини касалликлардан ҳимоя қилиш профилактикаси, диагностикаси ва терапияси учун биоинженериянинг янги усуллари топиш ва қўллаш.
4. Хўжалик аҳамиятига эга бўлган, озиқ - овқат, кимёвий, микробиологик ва саноатнинг бошқа соҳалари учун янги қимматбаҳо маҳсулотлар олиш.
5. Қишлоқ хўжалиги, саноат ва уй-рўзғор чиқиндилари, оқава сувлар ва бошқа турдаги чиқиндилардан биогаз ва юқори сифатли ўғитлар олиш.

Ҳозирги вақтда жаҳон бозори биотехнологик маҳсулотлардан жуда катта фойда олмоқда. Ўз навбатида тирик организмларнинг мураккаблиги биотехнологик вазифаларни бажаришда катта қийинчиликлар туғдиради. Шунинг учун ҳам бундай жараёнларда микробиологлар, биохимиклар, биотехнологлар, муҳандислар ва технологлар иштирок этишлари зарур бўлади.

Ўзбекистонда қишлоқ хўжалик биотехнологиясининг ривожланиши. Биотехнология фани Ўзбекистон учун энг кенжа фанлардан бўлиб, унинг тарихи узоққа бормайди (қадимий биотехнологиялар; нон пишириш, қатик тайёрлаш ва ҳ.к. бундан истисно). Бу фан асосан Ўзбекистон Фанлар академиясининг микробиология институтида; Генетика ва ўсимликлар экспериментал биологияси институтида ҳамда Республика Кимё бирлашмасига қарашли бир қатор заводларда (Янгийўл биокимё заводи, Андижон гидролиз заводи, Қўкон спирт заводи) ривожланиб келмоқда. Биотехнология ихтисослиги бўйича биринчи бўлиб ўзбек академиги А.Ғ.Холмуродов (1939-1996) фузариум авлодига мансуб замбуруғлардан НАД-коферменти ва витамин комплекси (В гуруҳига кирувчи витаминлар РР, Қ10 ва ҳ.к.) тайёрлаш технологиясини яратди. Академик М. И. Мавлоний Ўзбекистонда учрайдиган нонвойчилик, виночилик ва чорвачиликда қўл келадиган микроорганизмлар турларини топди ва улар асосида махсус ҳамиртурушлар ва виночилик учун ачитқи тайёрлаш технологияларини яратди.

Б.ф.д. Ж. Тошпўлатов сомон ва ғўзапояни парчалашда «**триходерма харзианум**» деб аталувчи замбуруғ ферментларидан фойдаланиш мумкинлигини илмий асослаб берди ва бу технологияни амалиётга қўллаш таклиф ва мулоҳазаларини чоп этди. Ж. Тошпўлатов яратган бу технология қўлланилганда сомонда шакар миқдори 6-7% етгани, унда витаминлар, аминокислоталар пайдо бўлганлиги ва шу туфайли сомоннинг озуқа бирлиги бир неча баробар ошганлиги исботлаб берилган.

Ўзбек олимларидан М. М. Муродов, Т. Й. Юсупов, Т. Ғ. Ғуломова, З. Р. Ахмедова, С. М. Хожибоева, З. Ф. Исмоилов, И. Ж. Жуманиёзов ва бошқалар мамлакатимизда микроб биотехнологиясининг ривожлантириш устида чуқур илмий ва амалий ишлар олиб бормоқдалар.

Шунингдек, ТошДАУ қошида Э. Холмуродов раҳбарлигида ташкил этилган «**микроклон элита**» ташкилоти илмий лабораториясида ўсимликларда учрайдиган вирусли ва бошқа касалликлар антибиотиклар билан даволаниб, «ин витро» шароитида черенкования (қаламча) йўли билан кўпайтирилмоқда.

Биотехнология фанининг ривожланиш истиқболлари ва муаммолари. Микроб биотехнологиясининг ривожланиш тарихи кўп маънода XX-асрнинг иккинчи ярми билан боғлиқ. Ўтган асрнинг 40-йилларида микроорганизмлардан пенициллин олиш технологиясининг яратилиши бу фан ривожига ижобий бурулиш ясади. Пенициллин ишлаб чиқарилишининг йўлга қўйилиши ва муваффақият билан ишлатилишида кейинги авлод антибиотикларини қидириб топиш, уларни ишлаб чиқариш технологияларини яратиш ва қўллаш усуллари устида ишларни ташкил қилиш зарурлигини олдиндан белгилаб қўйди. Бугунги кунда юздан ортиқроқ антибиотиклар ишлаб чиқариш технологиялари ҳаётга тадбиқ қилинган.

Антибиотиклар ишлаб чиқариш билан бир қаторда аминокислоталар, ферментлар, гармонлар ва бошқа физиологик фаол бирикмалар тайёрлаш технологиялари ҳам яратила бошланди. Бугунги кунда медицина ва қишлоқ хўжалиги учун зарур билган аминокислоталар (айниқса организмда синтез бўлмайдиган аминокислоталар), ферментлар ва бошқа физиологик фаол моддалар ишлаб чиқариш технологиялари йўлга қўйилган.

Охирги 20-30 йилда, айнқса микроб оксилени олиш технологияси ривожланиб кетди. Қишлоқ хўжалиги учун ўта зарур бўлган бу маҳсулотни ишлаб чиқариш билан бир қаторда ундан унумли ва оқилона фойдаланиш йиллари амалга оширилмоқда. Оксил ишлаб чиқаришда ҳар хил чиқиндиларидан (зардоб, гўшт қолдиқлари) ва парафиндан фойдаланиш мумкинлиги тасдиқланган. Ҳозирги пайтда бунинг учун метан ва метанолдан фойдаланиш мумкинлиги ҳам кўрсатиб ўтилган.

Кейинги вақтда микроб биотехнологиясининг ривожланиши иммобиллашган (маҳсус сорбентларга бўлинган) ферментлар ва микроорганизмлар тайёрлаш технологияларини яратилиши билан узвий боғлиқ бўлди. Иммобилизация қилинган ферментларни ҳар хил жараёнларда ишлатилиши (ферментлар муҳандислиги) бу биокатализаторлардан фойдаланишни янада фаоллаштириб юборди. Эндиликда ферментлар бир маротаба эмас, бир неча маротаба (хатто бир неча ойлаб) ишлатиладиган бўлиб қолди.

Микроорганизмлар фаолияти ва имкониятидан фойдаланиш, уларни ҳосилдор турларини (штамmlарини) яратиш билан боғлиқ. Бундай вазифани микробиологлар билан узвий ҳамкорликда генетиклар ва ген муҳандислиги усулларида хабардор билган бошқа мутахассислар амалга оширадилар. Микроб препаратларини ишлаб чиқаришни фаоллаштиришнинг яна бир йўли икки ёки ундан ортиқ бўлган, бири-иккинчисини фаоллигини ошириб бераоладиган (симбиозда ишлайдиган) микроорганизмлар ассоциациясидан фойдаланишдир. Бу йил ҳозирги вақтда ферментлар, антибиотиклар, витаминлар ва метан гази олишда ҳамда оқова сувларни тозалаш жараёнларида кенг қўлланилиб келинмоқда.

Микроб биотехнологиясининг асосини микроб фаолияти ташкил қилар экан, фаол микроорганизмларни сақлаш, (энг аввало фаглардан ва ташқи муҳит таъсиридан) шароитларини аниқлаш энг муҳим вазифалардан биридир.

Юқорида айтиб ўтилганлар, микроб биотехнологиясининг ривожланиши бир қатор ўта муҳим муаммоларини ечиш билан боғлиқ бўлади ва бу муаммоларни ечишда нафақат микробиологлар, биокимёгарлар, биотехнологлар, балки муҳандислар ва технологлар иштирок этишлари зарур бўлади.

Назорат саволлари

1. Биотехнология фанининг мақсади?
2. Биотехнология фанининг вазифалари нималардан иборат?
2. Биотехнологиянинг юзага келиши?

3. Ўзбекистонда иш олиб борган ва шу соҳада фаолият кўрсатаётган олимлардан кимларни биласиз?
4. Биотехнологик жараён этаплари?
5. Биотехнологиянинг медицина соҳасидаги аҳамияти қандай?
6. Ўзбекистонда биотехнология соҳасида фаолият кўрсатаётган қайси корхона ва ташиқлотларни биласиз?
7. Биотехнологик усуллар кенг қўлланилётган соҳалар?
8. Сомон ва гўзапояни парчалашда «**триходерма харзианум**» деб аталувчи замбуруғ ферментларидан фойдаланиш мумкинлигини илмий жиҳатдан асослаб берган олим ким?
9. А. Ғ. Холмуродов (1939-1996) фузариум авлодига мансуб замбуруғлардан қандай бирикмалар олган?
10. Биотехнологияда ген инженерлиги нечанчи йилдан бошлаб қўлланила бошланди?

2-МАВЗУ: БИОТЕХНОЛОГИЯНИНГ ХАЛҚ ХЎЖАЛИГИ, СОҒЛИКНИ САҚЛАШ ВА ФАН СОҲАЛАРИДАГИ ЎРНИ

РЕЖА:

1. Биотехнология ва қишлоқ хўжалиги
2. Технологик биоэнергетика
3. Биотехнология ва тиббиёт
4. Биотехнология ва озиқ-овқат саноати
5. Биогеотехнология

1. Биотехнология ва қишлоқ хўжалиги. Биотехнологик ечимлар халқ хўжалиги, соғлиқни сақлаш ва фан соҳасида комплекс муаммоларни ҳал қилинишида катта аҳамиятга эга.

1. Озиқ-овқатга бўлган талабни қондириш учун ўсимликшунослик ва чорвачиликни самарадорлигини ошириш керак. Шунинг учун биотехнологларнинг асосий эътибори ана шу муаммога қаратилган.
2. Нефть, газ, кўмир каби энергия манбалари чегараланган. Биотехнология энергия манбаи: спирт, биоген углеводородлар, водород каби ёқилғи манбаларини ярата олади. Ана шу экологик соф энергия манбаларини ишлаб чиқариш ва саноат қолдиқларини қайта ишлаш йўли билан яратишга эришиш мумкин.
3. Учинчидан ҳозирги вақтда биотехнология медицинага яқиндан ёрдам бермоқда.
4. Тўртинчидан биотехнология ер шарини саноат, қишлоқ хўжалиги, уй-рўзғор чиқиндиси, автомобилдан ажраладиган захарли моддалардан тозалашга яқиндан ёрдам беради.

Ҳозирги вақтдаги замонавий технологиялар чиқитсиз технологияга асосланган.

Маданий экинлар касалликлар, ҳашоратлар бегона ўтлар ва ноқулай об-ҳаво таъсиридан жуда кўп зарарланади.

Айниқса, экинларнинг вирусли касалликлар билан зарарланиши натижасида ҳосил камайиб кетмоқда.

Қайд қилинган зарар келтирувчи факторлардан экинларни биотехнологик усулда ҳимоя қилишга қуйидаги тадбирлар киради:

1. Ноқулай шароитларга чидамли навлар яратиш.
2. Ўсимликларни зараркунандалар, касалликлар ва бегона ўтлардан ҳимоя қиладиган кимёвий воситалар.
3. Ўсимликларни биологик усулда ҳимоя қилиш.

Ўсимликларни ҳимоя қилиш билан бирга ҳосилдорлигини ошириш бош вазифа ҳисобланади.

Ўсимлик тўқималарининг энергетик самарадорлигини ошириш учун унинг ёруғликдан, CO_2 дан, сувдан ва озика элементларидан самарали фойдаланишни яхшилайдиган усулларни ишлаб чиқиш керак.

Ўсимликларнинг янги навларини, дурагайлари яратишда чатиштириш ва мутасия усуллари кенг қўлланилади. Ушбу усуллар асосан генетик ва хужайра инженериясига асосланган.

Ҳозирги вақтда ген инженерияси усулида дуккакли бўлмаган ғалласимон экинлар илдизида ҳам азот тўпловчи бактерияларни ривожлантириш усуллари ишлаб чиқилган. Бунда протопластлар ДНКсини кўшиш усули ёрдам беради.

Ҳозирги вақтда ген инженерияси усулида тупроқда эркин яшовчи азотобактерияларнинг хаводаги азотни кўпроқ ўзлаштириб, ерни азот билан бойитиш усуллари ишлаб чиқилмоқда.

Пестицидлар биодеградацияси. Пестицидлар кучли таъсир эта олмайди. Шунинг учун ҳам ёмғир ва сув билан ювилиб қишлоқ хўжалик экинларига катта таъсир этади. Ундан ташқари кўпчилик гербисидлар тупроқда узоқ сақланиб экинларга катта салбий таъсир кўрсатади. Тупроқда тўпланиб қолган пестисидларни йўқотиш учун тупроқ микрофлорасидан кенг фойдаланиш мумкин.

Ўсимликларни фитопатоген микроорганизмлардан ҳимоя қилишда ҳар хилдаги ҳимоя воситалари мавжуд.

1. Антибиотиклар. Триходерма сабзавотлар, ғалла ва техник экинларини илдиз чириш касалликларидан сақлайди.
2. Фитоалексинлар. Қалампур витоалексини фитофтороз касаллигига қарши курашишда ишлатилади.
3. Биологик ўғит – тупроқни азот билан бойитишда қўлланилади.

Чорвачиликни жадаллаштиришда ва уларни инфекцион касалликлардан ҳимоя қилишда ген инженерияси усулида олинган вакциналар юборилади. Натижада чорва молларида маълум касалликка нисбатан иммунитет пайдо бўлади.

Ҳозир биотехнологик усулда чорва молларига оқсилга бой озика бактериялар, замбуруғлар, ачитқилар ва сув ўтлари воситасида ишлаб чиқилмоқда.

1 тонна озукабоп ачитқи 400-600 кг чўчка гўшти, 1,5 тоннагача товук гўшти ва 25-30 минг донагача товук тухуми олиш имкониятини яратади. Бунда 5-7 тонна дон иқтисод қилинади. Ушбу кўрсаткич муҳим аҳамиятга эга, чунки ер юзида жами майдоннинг 80%и чорва моллари ва паррандалар учун озика тайёрлашга ажратилади. Бир хужайрали организмлар 40-80% оксил беради.

2. Технологик биоэнергетика. Ушбу жараёнда ўсимликнинг CO_2 ўзлаштирилиши ва хужайранинг синтетик компонентларисиз водород ва бошқа ёқилғи манбаларини фотосинтез просессидан фойдаланиб, ҳосил қилинади.

Ҳозир ер юзида ҳар йили ҳосил бўлаётган ўсимлик органик моддасининг 14% энергия манбаи ҳисобланади.

Ёқилғига ишлатиладиган этанол-экологик тоза ёқилғи бўлиб, унинг ёнишидан CO_2 ва H_2O ҳосил бўлади. Этанол-этил спиртининг ўзи ва қўшимча сифатида ишлатилади. Бразилияда 1983 йилдан буён 95% автомобиллар этанол билан ишлатилади. Америкада 10% автомобиль этанол билан юради.

Этанол ишлаб чиқиш учун асосий майдонларга экин экиш керак. Натижада озиқ- овқатми ёки энергиями деган муаммо пайдо бўлади.

1 литр этанол учун таркибида ҳар хилдаги чиқитлар кўп бўлган 12-14 литр сув сарфланади. Бироқ, ачитқиларни қайта ишлашни самарали усули ишлаб чиқилмаган.


Спирт олишда ишлатиладиган ачитқи ўз муаммосига эга:

1. Бижғиш ва нафас олиш.
2. Мутасий.
3. Ферментларнинг йўқлиги.

Метан ва бошқа углеводларнинг олиниши. Метаннинг олиниши қишлоқ хўжалиги чиқитларини қайта ишлайдиган самарали усул. У метан ва CO_2 аралашмасидан иборат биогаз.

CO_2 метаннинг иссиқлик беришини пасайтиради. Метанда 90-95% углерод бор. Ҳозир Америкада 52 минг га сув ўти ўстирилиб, бир суткада 4800 m^3 суюқ углеводород ишлаб чиқилади.

Водородни ёқилғи сифатида олиш.



Водородни ёқилғи сифатида олиш муаммолигича қолмокда. Бироқ, водород экологик жиҳатидан энг тоза ёқилғи. Уни кимёвий ва электрокимёвий ва электрокимёвий усулда олиш иқтисодий самарасиз. Шунинг учун хемотроф бактериялар, пурпур ва яшил фототроф бактериялар, сианобактериялар, сув ўтлари бу муаммони ҳал қилади.

Просесс гидрогеноза ва питрогеноза ферментлари билан боради. Ҳали бу масала тўлиқ ишлаб чиқилмаган.

3. Биотехнология ва медицина. Биотехнологиянинг биронта йўналиши йўқки, медицинага аралашмаган.

Антибиотиклар – юкори физиологик активликка эга бўлиб, маълум группа микроорганизмлар, рак ва бошқаларни ривожланишига танлаб, таъсир этиб, ривожланишни тўхтатади. Уларнинг тури 5000 дан ошиқ бўлиб, айримларигина терапевтик ишларга тавсия қилинган.

Антибиотикларнинг кўпчилиги аллергиялогик реакция берганлиги сабабли уларнинг самарали турларини аниқлаш ишлари кенг миқёсда олиб борилмоқда.

Бу соҳада 5 хил йўналишда иш олиб борилмоқда.

1. Микробларга таъсир этувчи миксобактерияларни синаб кўрилмоқда.
2. Инсон учун кам заҳарли антибиотикларнинг кимёвий модификацияси ишлаб чиқилмоқда. Масалан: гептаен амфотерисин В буйракни ишдан чиқаради. Унинг кимёвий модификация йўли билан олинган амфотерисин метил эфири кам заҳарли бўлиб грипп касаллигига қарши активликни оширади.
3. Антибиотикларнинг айрим фойдали формаси мутасинтез йўли билан олинади.
4. Антибиотикларнинг айрим дурагайлари хужайра инженерияси усулида олинади.
5. Антибиотикларни синтез қиладиган ферментларни ишлаб чиқадиган генларни микроорганизмларга киритилади. Бу ген инженерия усули.

Антибиотиклардан ташқари, организмга тушган патоген микробларни йўқ қиладиган антогонист организмларни юбориш мумкин.

Гормонлар. Биотехнологиянинг янги йўналиши қимматбаҳо гормонал препаратларни синтез қилиш ҳисобланади. Айниқса, охириги йилларда пептидли гормонларни синтез қилиниши янги йўналиш ҳисобланади.

Илгари гормонлар донорлар конидан операсияда кесиб, олинган органлардан ва ўлик таналардан олинар эди. Бунинг учун озгина материал олишга жуда кўп материал керак бўларди.

Инсонни бўйини ўстирадиган гормон инсонни гипофиз безидан олинарди, ҳар бир гипофизда 4 мг гача ана шундай гормон бўларди. Буни ўсмаган болани бундай гормон билан бир неча йил даволаш керак, ҳар бир ҳафтада 7 мг гормон бериш керак.

Ген инженерияси усулида 1 литр микроорганизм муҳитидан 100 мг ўстириш гормони олинади. Бундай гормонлар яра ва куйган жойларни тезроқ битиб кетиши, суякда Ca^{2+} иони алмашинувини яхшилайдди.

Қанд касаллигини бартараф қиладиган инсулин ҳўкиз ва чўчқанинг ошқозони ости безидан олинади ва организмда аллергия касаллигини келтириб чиқарарди.

Кимёвий мутасия усулида инсулин ишлаб чиқила бошланди.

Ферментлар – тромбаларни эритиш, организмни токсин моддалардан тозалаш, ирсий касалликларни бартараф этиш ва бошқаларда қўлланилади.

Биотехнология ва озиқ-овқат саноати. Микроорганизмлар, маданий ўсимликлар хужайралари озиқ-овқат таомини яхшиловчи маҳсулотлар беради.

Келгусида ошпазлар сунъий тайёрланган узум, чеснок ёғи ва бошқалардан кенг фойдаланади.

Озиқ-овқат саноатида ферментлар катта рол ўйнамоқда.

Гўшти юмшатиш, мева ширасига ранг бериш, диетик сут тайёрлаш ва бошқа ишларда ферментлардан кенг фойдаланилмоқда. Бир хужайралиларнинг

биомассаси келгусида озиқ-овқатда кенг ишлатилади. Биомасса 80% оқсил, 2% нуклеин кислотаси ва 1% липидлари бўлса озиқ-овқатда кенг қўлланилади.

5. Биогeотeхнология. Биотeхнологик маҳсулотларга қўшиладиган қўшимчалар рудалардан, оқим сувларнинг қолдиқлари, нефть маҳсулотларининг қолдиқларидан олинадиган маҳсулотлар биогeотeхнологияга киради. Бу соҳада кимёвий ўзгаришни бошқарадиган микроорганизмлар жуда катта рол ўйнайди.

Муҳокама учун саволлар

1. *Замонавий технология нимага асосланган?*
2. *Экинларни биотeхнологик ҳимоялашда қандай талаблар қўйилади?*
3. *Ўсимликларни янги нави ва дурагайини яратишда биотeхнологиянинг қайси усулидан фойдаланилади?*
4. *Ўсимликларни фитопатоген микроблардан ҳимоялашда қандай ҳимоя воситалари мавжуд?*
5. *Чорвачиликни жадаллаштиришда қандай биотeхнологик усул қўлланилади?*
6. *Бир тонна ачитқи қанча донни иқтисод қилади?*
7. *Экологик энг тоза ёқилғи қайси?*

3-МАВЗУ: НУКЛЕИН КИСЛОТАЛАРНИНГ АСОСИЙ ХОССАЛАРИ

РЕЖА:

1. Нуклеин кислоталарнинг асосий функционал хоссалари
2. Нуклеин кислоталарнинг структуравий хоссалари
3. ДНК, РНК ва оқсил BIOSинтези

1. Нуклеин кислоталарнинг асосий функционал хоссалари.

Биотeхнология замонавий биологиянинг муҳим қисми ҳисобланади. Биотeхнология 1953 йилда Джеймс Уотсон ва Френсис Крик томонидан ДНКнинг қўш занжири тузилиши очилиши билан ривожлана бошланди.

Ҳар бир тирик организм ҳужайрасида нуклеин кислотасининг икки тури рибонуклеин кислота (РНК) ва дезоксирибонуклеин кислота (ДНК) мавжуд. Фақатгина вируслар таркибида ёки РНК, ёки ДНК тутади. Нуклеин кислоталар оқсиллар билан бирга ҳаётнинг моддий асосини ташкил этади. Улар бир-бирлари билан ҳар томонлама узвий боғлиқ. Аммо, уларнинг ҳужайрадаги ўрни ва функцияси тубдан фарқ қилади:

- оқсиллар асосан қурилиш ва ҳужайранинг ишчи органлари материалидир.

- нуклеин кислоталар эса организмнинг тузилиши, ўсиши, ривожланишига тегишли ахборотни сақлаши, такрорлаши, алмашинуви ва наслдан-наслга ўтишини таъминлайди.

Ҳар бир тирик организмнинг ирсий белгилари ҳақидаги ахборот ДНК занжирида нуклеотидлар кетма-кетлиги асосида жойлашган.

РНК молекуласи ўзининг функционал хусусиятларига кўра уч типга бўлинади ва ўлчамлари билан бир-биридан фарқ қилади:

1. иРНК – 25000-1000000 нуклеотид;
2. рРНК – 100-3100 нуклеотид;
3. тРНК – 70-100 нуклеотид.

тРНК оксил синтези жараёнида фаоллашган аминокислотани аминоксил учига бириктириб олиб, уни рибосомадаги махсус жойга етказди ва ўзи рибосомалар юзаси бўйича тортилган иРНКнинг аниқ кичик қисмига комплементарлик асосида боғланади.

Мазкур жараёнда тРНК айна аминокислотани синтезланаётган оксил молекуласининг маълум жойга ўрнашишини иРНКдаги код асосида амалга оширади, яъни адапторлик ролини ўйнайди.

иРНК ДНК занжиридаги ирсий ахборотдан нусха олиб, кўчириб олинган ахборотни сақлайди ва оксил синтези жараёнида матрица вазифасини бажаради. иРНКдаги нуклеотидлар қаторини оксил молекуласидаги аминокислоталар қаторига ўтиши, яъни нуклеин кислотадаги маълумотни тегишли аминокислоталар қатори шаклида амалга ошиши информасиянинг ўқилиши деб аталади.

рРНК 50 дан ортиқ оксил молекулалари билан бириккан ҳолда рибосоманинг структурасини тузишда хизмат қилади.

2. Нуклеин кислоталарнинг структуравий хоссалари. Нуклеин кислоталар юқори молекуляр биополимер бўлиб, жуда кўп мономерлардан тузилган. Бу мономерлар нуклеотидлар деб аталади. Шунинг учун ДНК занжири полинуклеотид молекула деб аталади. Мононуклеотидлар фосфат, моносахарид, пептоза-рибоза ёки дезоксирибозадан азот асосидан: пури ёки пиримидин асосидан ташкил топган. Азот асосларини кўпинча номларнинг бош ҳарфлари билан кўрсатиш қабул қилинган:

- аденин А (А);
- гуанин Г (Г);
- ситозин С (С);
- урасил У (У);
- тимин Т (Т).

ДНК молекуласи фосфат кислота, дезоксирибоза ва аденин, гуанин, ситозин ва тимин нуклеотидларини тутди. РНК занжири ДНК молекуласидан фарқли ўлароқ дезоксирибоза ўрнига рибоза, тимин ўрнига урасил тутди.

Нуклеин кислоталаридаги нуклеотидлар кетма-кетлиги уларнинг бирламчи структурасини ташкил этади. ДНК молекуласининг қўш занжири уни иккиламчи структурасини ва унинг фазовий конформасияси учламчи структурасини ташкил этади. ДНК занжиридаги Г-С нуклеотидлари 3 та, А-Т нуклеотидлари 2 та водород боғлари билан боғланган. ДНК молекуласининг асосий физик хусусиятларига:


- нуклеотид таркиби;
- эриш температураси;
- сузиш зичлиги;
- сиклик ёки сиклик бўлмаган структураси;

- оптик зичлиги ва молекуляр массаси киради.

ДНК ўсимлик ҳужайрасида ядро, хлоропластда ва митохондрияда жойлашган. Ҳайвон ҳужайрасида эса ядро ва митохондрияда жойлашган. Бактерияларда ҳужайра ички мембраналари билан бириккан ҳолда, вирусларда эса оксил қобиғи билан ўралган ҳолда учрайди.

3. ДНК, РНК ва оксил BIOSинтези. Тирик организмда олдиндан мавжуд қолип асосида янги ДНК молекуласининг яратилиши нуклеин кислоталарининг синтезланиш йўлидир. Мавжуд ДНК молекуласидан нусха олиш репликасия деб аталади. Репликасия жараёни ДНК полимераза I, II, III, ДНК-лигаза ва ревертаза ферментлари ёрдамида амалга ошади. Гер-белок ёрдамида ДНК қўш занжири ажралади ва ДНК боғланадиган оксил молекулалари ёрдамида ДНКнинг ажралган занжирлари стабил ҳолатда сақланиб турилади. ДНК-полимераза III ферменти ДНКнинг 3' ўқидан 5' ўқигача ДНКнинг битта занжирини тўла синтез қилиш қобилиятига эга. ДНК синтези фақат ДНКнинг 3' ўқидан 5' ўқига қараб бориши туфайли ДНКнинг 2 чи занжири праймаза, ДНК-полимераза I ва ДНК-лигаза ферментлари ёрдамида амалга ошади. Праймаза (ревертаза) ёрдамида ДНКнинг 2 чи занжири синтези учун праймер синтез қилинади ва ДНК-полимераза III ферменти ёрдамида праймер нуклеотидлар кетма-кетлигидан ДНК синтези бошланади ва ДНК-полимераза I ферменти ёрдамида бу нуклеотидлар кетма-кетлиги биров узайтирилади. Қўплаб ҳосил бўлган ДНК фрагментлари ДНК-лигаза ферменти ёрдамида уланади. Бу жараён ДНКнинг 2 чи занжири тўла синтез бўлгунча давом этади. Янги ДНК занжири тайёр ДНКнинг нусхасига, матричасига қараб тузилади. Бу жараёнда матриса вазифасини ДНК қўш занжирининг бир ипи бажаради.

РНК синтези жараёни транскрипция деб аталади. Ҳар учала типдаги РНК синтези турли типдаги РНК-полимераза (РНК-полимераза I, II, III) ферментлари ёрдамида амалга оширилади. рРНК синтези РНК-полимераза I ферменти, иРНК РНК-полимераза II фермент ива тРНК ҳамда кичик ўлчамли ядро РНКси молекулалари РНК-полимераза III ферменти ёрдамида амалга оширилади. Ҳамма РНК молекулалари синтези учун ДНКнинг битта ипи матриса вазифасини ўтайди. Оксил синтези рибосомаларда ўтади. Рибосома ҳужайра метаболизми учун зарур бўлган оксиллар синтезини ДНКдан олинган информасия асосида кодлаш механизмига мувофиқ амалга оширади (1-сурат).



1-сурат. Биологиянинг асосий қонунияти

ДНК занжиридан олинган иРНК нуклеотидлар тартиби шаклидаги информасия рибосома ёрдамида оксил молекуласидаги аминокислоталар тартибига кўчирилади. Оксил синтези жараёни трансляция (таржима қилиш) деб аталади. Нуклеин кислоталарда ҳар бир аминокислоталарни танийдиган ва

танлаб бириктириб олиб ташиш ва воситачилик қиладиган бирин-кетин 3 та нуклеотидлар комбинацияси мавжудки, бу ўз навбатида аминокислота коди, оксил коди, кодон, кенг маънода генетик код деб юритилади. Оксил молекуласига кирадиган аминокислоталар 20 та бўлганлигидан кодонлар сони ҳам 20 дан кам бўлиши мумкин эмас. Бунда ҳосил бўладиган комбинациялар сони $64-4^3$, кодланадиган аминокислоталар сонидан анча кўп, лекин маълум бўлдики, 20 та аминокислотадан 18 таси биттадан ортиқ 2,3,4 ва 6 кодон билан кодлана олар экан. Бундан ташқари, учта кодон УАА, УАГ, УГС аминокислоталарни кодламайди ва полипептид занжирининг тугаганидан дарак беради, улар терминаторлар, тугатувчилар деб аталади.

Полирибосомаларда оксил синтези иРНКнинг 5' охиридан бошланиб 3' охирида тугайди. Оксил синтези тугагач иРНК рибосомадан ажралиб чиқади ва рибосома 2 та субпарчаларга диссоцияланади.

Назорат саволлари

1. Биотехнология фан сифатида нечанчи йилдан бошлаб ривожлана бошланган?
2. ДНК қўш занжири тузилишини нечанчи йилда қайси олимлар томонидан очилган?
3. Ҳаётнинг моддий асосини нима ташкил этади?
4. Оксиллар қандай вазифа бажаради?
5. Нуклеин кислоталар қандай вазифани бажаради?
6. РНК ўзининг функционал хусусиятларига кўра неча типга бўлинади ва уларнинг ўлчамлари қандай?
7. Репликация жараёни деб нимага айтилади?
8. Транскрипция жараёни деб нимага айтилади?
9. Трансляция жараёни деб нимага айтилади?
10. ДНК молекуласининг асосий физик хусусиятларига нималар киради?

4-МАВЗУ: ГЕН МУҲАНДИСЛИГИ АСОСЛАРИ

РЕЖА:

1. Ген муҳандислиги
2. Бактерия клонлари ва штаммларини олиш
3. Трансформация ва трансдукция ҳодисаси
4. Транспозонлар, плазмидлар, рестриктазалар ҳақида тушунча

1. Ген муҳандислиги. Биологияда янги йўналиш - ген муҳандислигининг пайдо бўлиши 1972 йил Берг лабораториясида ДНКнинг рекомбинат молекуласи синтез қилиниши билан боғлиқ. Буюк биологлар А.А.Баев, А.Н.Белозерский, Эйвери, Г.Гамов, К.Коран, Ф.Жакоб, Ж.Моно, Беквист, Й.А.Овчинников, А.С.Спирин, Р.В.Петров ва бошқалар томонидан генларни ажратиш, ўсимлик, бактерия ва ҳайвон организмларидан ДНК олиш, генетик коднинг ўқилиши, прокариотлар генларининг экспрессияси механизмининг

очилиши каби ишлари ген муҳандислигининг ривожланишида катта аҳамиятга эга бўлди. Ген муҳандислигининг генлар устида турли муолажалар ўтказиш уларни тўла ўрганиш асосида функционал қисмларга бўлиш, керакли жойидан кесиш, керак бўлмаган қисмини олиб ташлаш, керак бўлган қисмларини бошқа генлардан ёки синтез йўли билан олиб улаш ва шу усулда тайёрланган дурагай ёки рекомбинат генини мувофиқ организмга киритиб (масалан, одамнинг инсулин генини микроб хужайрага ёки сичқоннинг ўсиш гармони генини каламушга, зарур турларни ёки препаратларни синтез қилиш ва ҳаказо ғоялар ва технологияларнинг йиғиндисидир.

Тирик организмлар ирсий ахборотини сунъий йўл билан маълум мақсадга мувофиқ ўзгартириш жараёни генетик муҳандислик фанининг асосий устқурмаси ҳисобланади. Генетик муҳандислик хужайра, хромосома ва ген даражасида амалга оширилади.

Хужайра даражасидаги генетик муҳандислик икки хужайрани ўзаро қўшиш йўли билан амалга оширилади.

Хромосома даражасидаги генетик муҳандислик хужайра ядросига қўшимча хромосомалар киритиш орқали амалга оширилади.

Ген даражасидаги генетик муҳандислик ёки ген муҳандислиги энг мураккаб бўлиб, қуйидаги босқичлар асосида амалга оширилади:

1. Қимматли хўжалик аҳамияти касб этадиган ген функцияси орқали қидириб топилади, ажратиб олинади, клонланади ва тузилиши ўрганилади.

2. Ажратиб олинган ген хромосома ДНКси билан рекомбинацияланувчи бирор фаг геноми, транспозон ёки плазмид ДНКси билан бириктирилиб вектор конструкция яратилади.

3. Вектор конструкция трансформация усули билан хужайрага киритилади ва трансген хужайра олинади. Трансген хужайрадан сунъий равишда етук ўсимлик ўстирилади. Ушбу усулдан фойдаланиб, ўсимлик, ҳайвон ва микроорганизмлар хужайраларидан трансген формалар олиш мумкин.

Ген муҳандислиги биотехнологиясининг ютуқлари саноат кўламида ва қишлоқ хўжалигида кенг қўлланилмоқда.

Антибиотиклар, аминокислоталар, витаминлар ва гормонлар ишлаб чиқармоқда, наслдор қорамол клонлари яратилмоқда, тупроқда ва сувда заҳарли пестисид қолдиқларини парчалайдиган микроорганизмларни трансген штаммлари олинмоқда, атмосфера азотини ўзлаштирувчи микроорганизмлар генлари асосида тупроқни азотли ўғитлар билан бойитиш муаммоси ечилмоқда, зарарли ҳашаротларга ва патоген микроорганизмларга чидамли, экологик мувозанатни сақловчи трансген ўсимлик навлари етиштирилмоқда, ирсий касалликларга тезкор ташхис қўйиш учун диагностикалар тайёрланмоқда, шунингдек, ген терапия такомиллаштирилмоқда.

2. Бактерия клонлари ва штаммларини олиш. Қадим замонларда инсоният ҳаётий жараёнлар асосида онгсиз равишда сутдан қатик, буғдойдан бўза ва хамиртуруш ҳамда мева шарбатидан шароб ёки сирка тайёрлаш технологиясидан фойдаланганлар. Лекин бу маҳсулотлар микроблар ёки бактериялар иштирокида ҳосил бўлишини билмаганлар.

Буюк француз олими Луи Пастер томонидан пастеризасия усулининг яратилиши (сут ёки мева шарбатини 100-50°C қиздириш йўли билан уларни бижғиш жараёнидан халос қилиш пастеризасия деб аталади) биотехнологияда микроорганизмлардан онгли равишда фойдаланишга асос солди.

Пастер ўзининг кейинги тажрибаларини бактерияларни клонлашга бағишлади. Бактерияларни клонлаш қуйидагича амалга оширилади: сунъий суяк озуқада ўсаётган бактерия стерил шароитда агар-агар моддаси билан аралаштирилган қаттиқ сунъий озуқа сатҳига ўтказилади. Қаттиқ агар-агар сатҳига тушган ҳар бир бактерия ҳужайраси кетма-кет бўлина бошлайди. Натижада бир она ҳужайрадан ҳосил бўлган бактериялар авлодининг колонияси вужудга келади ва бу колония клон деб аталади. Клон таркибидаги ҳар бир ҳужайра барча ирсий хоссалари жиҳатидан она ҳужайрага ўхшашдир. Клондан ажратиб олинган ҳар бир ҳужайра бўлинганда ирсий белгилари ўзгармасдан авлод ҳужайрага ўтади.

Биотехнология жараёнида фақат мақсадга мувофиқ хоссаларга эга бўлган бактерия клонлари танлаб олиниб, кўпайтирилади (ўстирилади) ва ишлатилади.

Инсоният XIX аср ўрталаригача бактериялар пластик ўзгарувчандир, яъни ирсиятсиз деб ҳисоблаб келган. Л.Пастер бактерияларнинг хилма-хиллигини, уларда ирсияти мавжудлигини ва уларнинг хусусиятлари ирсиятга тўла боғлиқлигини, бактерияларни клонлаш усулини кашф этиш билан илк бор кўрсатиб берди. Табиатдаги мавжуд микроорганизмлар мақсадга ҳар доим ҳам мос келавермайди. Тадқиқотчилар маълум ирсий белгига эга бўлган бактерия штаммлари (штамм ирсий ўзгарган клон) хилма-хиллигини мутаген моддаларни қўллаш натижасида кўпайтирадилар клонлаш орқали селекция қиладилар.

Бактерия ёки замбуруғлар ирсиятининг мутасион ўзгариши уларнинг биологик хусусиятларини ўзгаришига олиб келади. Бунинг сабаби ҳужайрада кечаётган биокимёвий жараёнларнинг ҳар бир босқичини алоҳида генлар томонидан бошқарилишидир. Агар генларнинг нуклеотидлар кетма-кетлиги ташқи номуқобил омиллар таъсирида ўзгарса, бу генлар синтез қиладиган ферментларнинг фаоллиги ҳам ўзгаради.

Мутасион жараён мутаген моддалар ёки рентген ва ультрабинафша нурлар таъсирида бир неча юзлаб марта ошиши мумкин. Клонлаш усули билан мутант штаммларнинг мақсадга мувофиқлари селекция қилинади ва биотехнологик мақсадларда фойдаланилади. Сўнгги йилларда ген муҳандислиги усули билан ҳоҳлаган геннинг исталган нуклеотидини алмаштириш биотехнологияси ишлаб чиқилди. Ҳозирги кунда бу усул мукаммаллаштирилмоқда. Бу усул йўналтирилган мутасия деб аталади.

3. Трансформасия ва трансдукция ҳодисаси. Трансформасия ҳодисасининг очилиши ген муҳандислиги биотехнологиясида янги бир эрани бошлаб берди. Бу ҳодиса 1928 йил Ф.Гриффит томонидан кашф этилди. Трансформасия жараёнига қуйидагича таъриф бериш мумкин. Маълум шароитда бир организм ирсий молекуласи ҳар қандай бўлагининг иккинчи организм ирсий молекуласи таркибига бирикиш ҳодисасига трансформасия деб аталади. Ген муҳандислиги усули билан организмнинг ирсиятини ўзгартиришда

трансформация кенг қўлланилади.

Гриффит трансформация жараёнини ўз тажрибасида қуйидагича изоҳлайди. Патоген пневмокок бактерияси (С штамм) билан зарарлантирилган сичқон ўлади. Шу бактериянинг патоген бўлмаган штамми (Р штамм) билан зарарлантирилган сичқон ва қиздириш йўли билан ўлдирилган бактериянинг патоген штамми билан зарарлантирилган сичқон тирик қолади. Ўлдирилган С штамми тирик (Р-штамми) билан аралаштирилиб сичқонга юборилганда сичқон ўлган. Унинг қонида С-штамми топилган. Бундан кўриниб турибдики, ўлдирилган С штамми ирсий молекуласидаги касаллик чакирувчи ген тирик Р штамми ирсиятига ўтган ва унинг ирсиятини С штаммга хос ўзгартирган, яъни трансформация қилган. Трансформация ҳодисаси бактерия ва уларнинг фаглар ўртасида содир бўлади. Махсус тузилишга эга бўлган ДНК бўлагининг хромосома билан бирикиши ва ундан ажралиб чиқиш жараёнига трансдукция деб аталади.

Трансдукция АҚШ олими Лвов томонидан 1963 йилда кашф этилган. Бу кашфиётга қадап бактерия хужайрасига фаглар (вирусларнинг бактерия хужайрасидан кўмадиган хили) кирганда уларнинг хужайрада кўпайиши ва оқибатда бактерия ёрилиб ўлиши маълум эди. Фаг билан зарарланган бактерия колонияси йўқолади, яъни лизис бўлади. Илль сабабли бу жараён фагларнинг литик реакцияси деб аталади. Айни пайтда фаг билан запапланган бактерия хужайраларининг айримлари офатдан қутилиб қолиши кузатилган. Бундай хужайра ичига тушган фагнинг ирсий молекуласи бактерия хромосомасининг махсус нуклеотидлари изчиллигини кесиб бирикиши натижасида фаол ҳолатдан кўпая олмайдиган, яъни бактерияни лизис қила олмайдиган нофаол профаг ҳолатига ўтади. Бунинг натижасида бактерия хужайраси офатдан қутилади. Офатдан қутилган бактерия лизоген бактерия, бу жараён эса лизоген реакцияси деб аталади. Лизоген бактериядан спонтан равишда, яъни ўз-ўзидан ёки физик-кимёвий таъсирлар натижасида фаг ирсий молекуласи ажралиб чиқиб муҳитдаги бошқа бактерияларни зарарлантиради ва ниҳоят, уларни ўлдиради ёки айрим ҳолларда бактерия хромосомаси билан бирикиб профаг ҳолатига ўтади.

Трансдукция жараёнида Э.соли бактерия хромосомаси л фаг ирсий молекулалари ўзаро боғланиши ёки рекомбинацияланиши молекуляр жиҳатдан қуйидагича кечади. Шунини алоҳида таъкидлаб ўтиш жоизки, л фаг трансдукцияси ҳар доим бу даражада аниқ амалга ошмайди. Профаг ҳолатида л фаг бактерия геномидан айрим генларни, ҳатто 3 та структура ген ва промотордан иборат лактоза оперонини (оперон-ўзаро боғлиқ ҳолатда транскрипцияланувчи ва регулятор элемент воситасида идора қилинувчи генлар изчиллиги) бириктирилган ҳолда ажралиши кузатилган. Бундай рекомбинат л фаг билан Е.соли нинг лас штамми, (яъни лактозани парчаловчи гени мутасия натижасида ишламайдиган штамми) зарарлантирилса, трансдукция натижасида лас штамм лизоген лас штаммга айланади. Демак, фаг лас штаммдан лактоза парчаловчи-оперонни лас штаммга трансдукция қилади.

Фаг ирсий молекуласида бактерия хромосомасини нуклеотидлар кетма-кетлигини аниқ таниб ёпишқоқ, учлар ҳосил қилиб қирқувчи интеграза

ферментининг генлари мавжуд. Ушбу фермент ёрдамида фаг ирсий молекуласи бактерия хромосомасига ўрнашади ва ДНК лигаза ферменти ёрдамида унинг таркибий қисми сифатида тўла бирикади.

4. Транспозонлар, плазмидлар, рестриктазалар ҳақида тушунча.

Транспозонлар. Кўчиб юрувчи генетик элементлар – транспозонларни ўсимлик организмида АҚШ олимаси Барбара Мак Клинтон, микроорганизмларда АҚШ олими Аҳмад Бухорий ва ҳашаротларда Россия олими Георгий Георгиев кашф этган. Кўчиб юрувчи генетик элементлар айна вақтда транспозицион элементлар ёки транспозонлар деб ҳам аталади. Транспозонлар хилма-хил структурага эга бўлсалар-да, барча транспозон молекулаларининг икки четида махсус нуклеотидлар изчиллиги, марказий қисмда эса ДНК молекуласининг белгиланган жойида "ёпишқоқ" учлар ҳосил қилиб нотекис кесувчи транспозаза ферментини синтез қилувчи ген мавжуддир. Транспозаза ферменти хужайрадаги ДНК молекуласини "ёпишқоқ" учлар қилиб кесади ва айна пайтда транспозон учларига қовуштиради. Ҳосил бўлган хромосома ДНКси ва транспозон ДНКсидан иборат қовушма хужайра ДНК бўлақларини боғловчи фермент лигаза таъсирида ўзаро боғланади. Транспозонларнинг хужайра ДНКсига интеграцияси қуйидагича амалга ошади. Транспозонлар хромосомада ўз ўрнини ўзгартирганда ирсият ҳам ўзгаради. Одатда яшаш муҳити кескин ўзгарганда транспозонларнинг кўчиб юриши ортади.

Шу сабабдан кўчиб юрувчи генетик элементлар иштирокида ген муҳандислигига асосланган кўпгина биотехнологик жараёнлар яратилган.

Плазмидлар, рестриктазалар. Бактерия ва тубан эукариот организмлар хужайраларида асосий хромосомадан ташқари, кичик ўлчамга эга бўлган халқасимон ёки чизиксимон структурага эга бўлган қўшимча хромосомалар мавжуддир, бу мини-хромосомалар плазмидлар деб аталади. Плазмид ДНКси кўпи билан 3-10 тагача генларни ўзида сақлайди. Бу генлар, асосан антибиотик ёки заҳарли токсинларни парчаловчи ферментларни синтезига жавобгардир. Шу туфайли плазмидлар бактерия, ачитқи ва замбуруғларнинг антибиотик ва заҳарли токсинларга чидамлилигини таъминлайди. Плазмиднинг антибиотик парчаловчи генлари бир плазмиддан иккинчисига транспозонлар билан бириккан ҳолатда ҳам кўчиб ўта олади. Бу молекуляр жараён касал чакирувчи микробларнинг антибиотикларга чидамлилигини ниҳоятда оширади. Плазмидлар ўз хусусиятига кўра иккига бўлинади. Биринчиси транспозон ёки бактериофаг ирсий молекуласи каби хужайра асосий хромосомасининг махсус ДНК изчиллигини кесиб, рекомбинация бўла оладиган плазмидлар. Бундай рекомбинацияланувчи плазмидлар трансмиссибл, яъни наслдан-наслга ўтувчи плазмидлар деб аталади. Трансмиссибл плазмид асосий хромосомага бириккандан кейин ўз мустақиллигини йўқотади. Асосий хромосомада мустақил равишда ўз-ўзини репликация қила олмайди. Айна пайтда бундай плазмидларда жойлашган генлар асосий хромосомада ўз фаолиятини бажаради. Хужайра бўлингандан рекомбинацияланувчи плазмид генлари асосий хромосома генлари бириккан ҳолда наслдан-наслга берилади. Иккинчи тоифа плазмидлар автоном ҳолда репликацияланувчи плазмидлар деб аталади. Бундай плазмидлар асосий хромосомага бирика олмайди, асосий хромосомалардан мустақил

равишда ўз-ўзини репликасия йўли билан ўнлаб ва ҳатто юзлаб марта кўпайтира олади. Автоном плазмидлар бактерия ёки замбуруғ хужайралари бўлинганда қиз хужайралар орасида тасодифий равишда тақсимланади. Шу билан бирга автоном плазмид бир хужайрадан иккинчисига хужайра қобиғи ва мембранасининг тешикларидан ўта олади.

Табиатда бирор микроорганизм хужайрасига ташқаридан ёт генетик материал кирса, у дарҳол хужайра нуклеаза ферментлари орқали парчалаб ташланади.

ДНК молекуласини майда бўлакларга бўлувчи ферментлар эндонуклеазалар ёки рестриктазалар деб аталади. Ҳар бир рестриктаза тўрт ёки кўпроқ махсус нуклеотид жуфтларини таниб олиб боғланади ва ДНК молекуласини кесади. Айрим рестриктазалар ДНК қўш занжирини қайчи сингари шартта икки бўлакка бўлади. Бундай рестриктазаларга Алу I, Дра I, Нае IIII, Ҳра I, ЕсоР V, Ҳпа I, ЭсоР V, Ҳинс II, Пву II, Рса I, Сса I, Сма I ва бошқаларини мисол қилиб келтириш мумкин.

Шу билан бирга қўш занжир ДНК молекуласини "ёпишқоқ" учлар ҳосил қилиб кесувчи рестриктазалар ҳам мавжуд (Аат II, Асс IIII, Ара I, Вам IIII, ЕсоRI, Ҳинд IIII ва бошқалар). Бу рестриктазалар функцияси жиҳатдан транспозага ўхшашлиги кўриниб турибди. Шунинг учун ҳам бу рестриктазалар ҳосил қилган "ёпишқоқ" учлардан фойдаланиб, ҳар хил ДНК бўлакларини бир-бирига боғлаш осонлашади. Ана шу хусусияти туфайли бу хил рестриктазалар ген муҳандислигида кенг қўлланилади. Ҳозирги кунгача 500 дан ортиқ хилма-хил рестриктазалар тозаланиб олинган ва ўрганилган.

Одатда, микроорганизм ирсий моддасининг хромосомаси бир нечта миллион нуклеотид жуфтлари иборат. Ўсимлик ёки ҳайвон геноми бир неча юз миллиондан то 1 миллиардгача нуклеотид жуфтлари изчиллигидан тузилган. Бундай буюк молекулани юқорида қайд қилинган хилма-хил рестрикция эндонуклеазалардан фойдаланиб кўплаб бўлакларга бўлиш мумкин. Эндонуклеаза иштирокида парчаланган ДНК бўлаклари электрофорез мосламасида махсус молекуляр "элак" тешикларидан юқори кучланишли электр майдони таъсирида молекуланинг заряди ва ўлчамига биноан ажратилади. ДНК бўлағи махсус бўёқ билан бўяш натижасида ультрабинафша нурлари ёрдамида оддий кўз билан кўрилади. ДНКнинг майда бўлаклари электр майдонида гел ковакларидан йирик бўлакларга нисбатан тез ҳаракат қилгани учун уларнинг стартдан босиб ўтган масофасини ўлчаб, ДНК бўлагининг катта-кичиклиги аниқланади. Электрофорез мосламасида бир-биридан фақат бир нуклеотид кам ёки кўплиги билан фарқланувчи ДНК бўлагини ажратиш мумкин. Рестрикция эндонуклеаза ферментларининг очилиши ва электрофорез мосламасида ДНК бўлакларини ўта аниқлик билан бир-биридан ажратишнинг такомиллашуви гигант ДНК молекуласидан исталган ДНК бўлагини ажратиш олиш имконини беради.

Назорат саволлари

1. Ген ва хужайра муҳандислигининг аҳамияти ва асосий вазифалари

нима?

2. Ген хужайра ва хромосома даражасидеги ген муҳандислигининг фарқи нимада?

3. Клон деб нимага айтилади?

4. Штаммнинг клондан фарқини изоҳлаб беринг.

5. Транспозонлар нима?

6. Транспозон молекулаларнинг хужайра ирсиятига таъсирини изоҳлаб беринг.

7. Плазмидларнинг асосий вазифасини таърифлаб беринг.

8. Асосий хромосома билан рекомбинасия бўла оладиган ва рекомбинасия бўла олмайдиган плазмидларни хужайра ирсиятига таъсирини қиёсий таққосланг.

9. Рестрикцион эндонуклеазалар ҳақида тушунча беринг.

5-МАВЗУ: РЕКОМБИНАНТ ДНК ОЛИШ ВА ГЕНЛАР БИБЛИОТЕКАСИНИ ЯРАТИШ

РЕЖА:

1. Рекомбинант ДНК олиш усуллари
2. Вектор молекулалар
3. Генлар библиотекасini яратиш ва индивидуал генларни ажратиш технологияси

1. Рекомбинант ДНК олиш усуллари. Ген муҳандислигининг пойдевори –рекомбинант ДНКлар технологияси – генетик структураларни бирга қўшиш техникаси – молекуляр биологиянинг энг муҳим ютуқларидандир. Бу технологиядан фойдаланиб, зарур маҳсулот (оксилни) кодирлайдиган ДНК молекуласининг кичик бир қисми – генни кесиб олиш унинг ёт ген билан комбинациясини яратиш, сўнгра бу янги геномни муносиб хужайраларга киритиб хўжайин хужайра ДНКсининг синтез механизми ёрдамида кўп марталаб кўпайтириш мумкин.

Сунъий шароитда рекомбинант ДНК олиш ва генларни клонлаш илк бор 1972 йилда АҚШ олимлари Боер ва Коэн томонидан амалга оширилган. Бу олимлар *E.coli* бактериясининг хромосома ДНКсига ва шу бактерия плазмидига алоҳида идишларда *EcoRi* рестриктаза ферменти билан ишлов берганлар. Плазмид таркибида фақат 1 дона *EcoRi* рестриктаза ферменти таниб кесадиган махсус нуклеотидлар изчиллиги бўлганлиги сабабли фермент плазмиднинг халқасимон ДНК қўш занжирини фақат бир жойдан кесиб, плазмидни "ёпишқоқ" учли очик ҳолатга ўтказди. Хромосома ДНК молекуласида *EcoRi* рестриктаза ферменти таний оладиган махсус нуклеотидлар изчиллиги қандай бўлса, бу молекула шунча бўлакка бўлинади.

Турли хил ўлчамга эга бўлган ДНК молекуласи электрофорез услуби ёрдамида ажратиб олинади. Ажратиб олинган "ёпишқоқ" учли хромосома ДНКси бўлаги очик ҳолатдаги "ёпишқоқ" учли плазмид ДНКси билан

аралаштирилиб, лигаза ферменти ёрдамида тикилади. Натижада плазмид таркибига хромосома ДНК бўлаги киритилади.

Шу боисдан рекомбинант ДНКга қуйидагича таъриф бериш мумкин: ҳар қандай тирик организм ирсий молекуласининг исталган бўлагини вектор молекулаларига бирикишдан ҳосил бўлган сунъий ДНК рекомбинант ДНК дейилади.

Рекомбинант ДНК олишда учта – коннектор, рестриктаза-лигаза ва Линкер молекулалари усулларидадан фойдаланилади.

Коннектор усулида рекомбинасияда иштирок ўтувчи ДНК бўлагининг 3' ўқида дезоксинуклеотидилтрансфераза ферменти ёрдамида маълум узунликдаги олиго (дА) – сегменти уланади. Иккинчи ўқида эса олиго (дТ) – сегменти уланади. Бу ДНК бўлаклари аралаштирилганда дА на дТ сегментларнинг водород боғлари асосида комплементар бирикиши туфайли халқасимон ДНК структураси ҳосил бўлади. Ҳосил бўлган ДНКдаги бир занжирли бўш жойлар ДНК-полимераза II ферменти ёрдамида тўлдирилади.

Рестриктаза лигаза усули энг содда ва осон рекомбинант ДНК олиш усули ҳисобланади. Бу усулда ДНК молекуласи ва вектор плазмид "ёпишқоқ" учлар ҳосил қилувчи рестриктаза билан қирқилади ва аралаштирилган ҳолда маълум шароитда реассоциация қилинади. Комплементарлик хусусиятига кўра ДНК молекулалари ўзаро водород боғлари ёрдамида бирикиб халқасимон структура ҳосил қилади ва ДНК занжирининг бирикмаган жойлари ДНК-лигаза ферменти ёрдамида уланади.

Линкер молекулаларидан фойдаланиш усулида ДНК молекуласига ва вектор плазмидга T4 фаг ДНК-лигаза ферменти ёрдамида махсус нуклеотид кетма-кетлигига эга бўлган линкер молекула уланади. Олинган икки турдаги ДНК молекуласи рестриктаза ферменти ёрдамида қирқилиб аралаштирилган ҳолда реассоциация қилинади. ДНК ва вектор плазмид молекулаларининг бирикмаган жойлари ДНК-лигаза ферменти ёрдамида уланади. Шу йўсинда рекомбинант ДНК молекуласи ҳосил бўлади.

2. Вектор молекулалар. Рекомбинант ДНК автоном репликация бўлиши учун жавоб берадиган ДНК бўлаги вектор молекулалари дейилади. Вектор молекулалар ҳужайрага қўшимча генетик ахборот киритилишини таъминлайди. Вектор молекулалар ўз вазифасига кўра икки типга бўлинади. Биринчиси автоном репликация бўлувчи векторлар. Иккинчиси хромосомага интеграция бўлувчи векторлар. Вектор молекулалар ген муҳандислиги биотехнологиясида генларни клонлашда ва трансформация қилишда асосий иш қуроли бўлиб хизмат қилади.

Вектор молекулалари вазифасини фаг ДНКлари, плазмидлар ва ўсимликларни хлоропласт ҳамда митохондрия ДНКлари, ҳайвон вируслари ўташи мумкин. Вектор молекулаларга қуйидаги талаблар қўйилади.

1. Вектор рестриктаза билан ишлов берилганда халқа шаклидан тўғри шаклга ўтиши, унга бегона ДНК бириктирилиб яна халқа шаклига қайтиши ва ҳужайрага юборилиши учун бир жойдан кесувчи рестриктазага мос келувчи сайт (нуклеотид изчиллиги)га эга бўлиши зарур.

2. Вектор маълум ҳужайрада репликацияланиши керак.

3. Вектор молекула таркибида маркер ген тутиши зарур, бу ген вектор хужайрага киргандан сўнг унга вектор молекуланинг иштирок этаётганлигидан далолат берувчи фенотип беради.

3. Генлар библиотекасини яратиш ва индивидуал генларни ажратиш технологияси. Хўжалик аҳамияти қимматли бўлган генларни ажратиш учун ген библиотекаси тузилади. Хромосома ДНКси асосида ген библиотекасини тузиш қуйидагича амалга оширилади. ДНК ва вектор молекулалари рестриктаза ферменти ёрдамида қирқилади ва маълум шароитда реассосиасия қилинади. Нуклеотидлар орасида уланмай қолган бўшлиқ ДНК-лигаза ферменти ёрдамида ўзаро бириктирилади. Олинган рекомбинант ДНК бактерия хужайрасига трансформасия қилинади. Хромосома ДНКсида мавжуд генларни тўла клонлаш учун ДНК ўлчамига ва олинган клонларни сонига эътибор бериш керак. Бу кўрсаткич қуйидаги формула ёрдамида ҳисобланади.

$$N = \frac{1n(1-p)}{1n(1-x/y)}$$

бунда х-клонланаётган ДНК ўлчами, у-гаплоид геномнинг ўлчами ва $p=0,99$ га тенг бўлса 99% хромосома ДНКсининг уникал қисми клонланади.

Генларни клонлашда кўпинча кДНК библиотекасини тузиш мақсадга мувофиқдир. Бу ҳолда махсус поли (Й) ва олиго (дТ) колонкалари ёрдамида учларида поли (А) нуклеотидлар кетма-кетлигини сақловчи иРНК тРНК ва рРНКдан ажратиб олинади. Олинган иРНК молекуласи олиго (дТ) нуклеотидлари билан аралаштирилиб реассосиасия қилинади. Бунда иРНК молекуласининг поли (А) учида дА-дТ қўш занжирли сегмент ҳосил бўлади. Ушбу икки занжирли сегментнинг олиго (дТ) учи кДНК синтезини амалга оширувчи ревертаза ферменти учун праймер (кДНК синтезининг бошланиш нуқтаси) вазифасини ўтайди.

Синтез қилинган кДНК молекуласи қисқа учли икки занжирли структура билан тугалланади. кДНК синтезида матриса вазифасини ўтаган иРНК молекуласи NaOH билан парчаланади, натижада қисқа икки занжирли ва тўлиқ иРНК молекуласига комплементар бўлган бир занжирли кДНК молекуласи ҳосил бўлади. Ҳосил бўлган қисқа икки занжирли структура кДНКнинг иккинчи занжирини синтез қилишда праймер вазифасини ўтайди. ДНК-полимераза 1 ферменти ёрдамида кДНКнинг иккинчи занжири синтез қилинади. Ҳосил бўлган кДНКнинг бир занжирли қисми СИ-нуклеаза ферменти ёрдамида парчаланади ва икки занжирли кДНК молекуласи ҳосил бўлади. Шу йўсинда ҳосил бўлган кДНК молекуласи вектор молекулаларга уланган ҳолда клонланади.

Ҳар икки усул билан яратилган геном библиотекасидан индивидуал генларни ажратиб олиш қуйидагича амалга оширилади:

- рекомбинант плазмид денатурасия қилинади (100°C ҳароратда 5 мин., 0,2 Н NaOH эритмасида 15 мин.) бир занжирли ДНК молекуласи стабил кўзгалмайдиган ҳолатда туриши учун нитроселлюлоза фильтрига

бириктирилади.

- олинган фильтр [^{32}P] АТФ нуклеотиди билан нишонланган иРНК молекуласи билан гибридизасия қилинади.

- молекуляр гибридизасия жараёнида филтрга бириккан рекомбинант ДНК молекуласига комплементарлик қонунияти асосида нишонланган иРНК молекулалари бирикади.

Ҳосил бўлган гибрид ДНК молекуласи денатурасия қилиниб нишонланган иРНК молекуласи элюсия ёрдамида ажратиб олинади.

Олинган иРНК молекуласи ҳужайрасиз оқсил синтез қилиш тизимида текшириб кўрилади. Ҳосил бўлган оқсил молекуласининг идентификация қилиш йўли билан индивидуал генларни ажратиб олиш амалга оширилади.

Назорат саволлари

1. Рекомбинант ДНК деганда нимани тушунаси?
2. Сунъий шароитда рекомбинант ДНК олишга қимлар асос солган?
3. Рекомбинант ДНК олишнинг қандай усуллари бор?
4. Вектор молекула нима?
5. Вектор молекулаларга қўйиладиган талаблар нималардан иборат?
6. Генлар библиотекасини яратишдан мақсад нима?

6-МАВЗУ: ЎСИМЛИКЛАР ГЕН МУҲАНДИСЛИГИ

Режа:

1. Ўсимликлар ген муҳандислиги учун векторлар
2. Ўсимлик ҳужайрасига тўғридан-тўғри генларни ўтказишнинг липосомага жойлаштириш усули
3. Биологик баллистикалар усули

1. Ўсимликлар ген муҳандислиги учун векторлар. Ўсимликнинг паст ҳарорат, қурғоқчилик, тупроқнинг шўрлиги, ташқи стресс таъсирлар, зараркунандалар, гербицид ва пестицидлар, турли касалликларга чидамлилик, тезпишарлик хусусиятларга эга бўлиши мақсадга мувофиқдир. Бунинг учун шу хусусиятларга тааллуқли генларни клонлаб уларни ўсимликларнинг ҳужайрасига киритиш ва уларнинг экспрессиясини амалга ошириш, трансформацияланган ҳужайраларни танлаш ва киритилган хусусиятларнинг наслдан-наслга берилишини таъминлашда эволюция натижасида пайдо бўлган тупроқ бактерияларининг табиий векторларидан фойдаланиш юқоридаги муаммоларни ҳал қилишда муҳим рол ўйнайди.

2. Ўсимлик ҳужайрасига тўғридан-тўғри генларни ўтказишнинг липосомага жойлаштириш усули протопластга юбориладиган экзоген генетик материалларни нуклеазалардан ҳимоя қилишда ишлатиладиган усул бўлиб, липосома – спесирик ҳосила бўлиб, қобиғи фосфолипидлардан ташкил топган. Фосфолипиднинг сувли эмульсиясини ультратовуш билан ишлов бериб ёки тез чайқатиш усули билан олиш мумкин. Ҳайвон ва ўсимлик

хужайраларига ДНКни юборишда фосфатилсерин ёки холестериндан ташкил топган липосомалар мақсадга мувофиқ.

3. Биологик баллистикалар усули. Бир паллали ўсимликларга трансформациялашнинг ҳозирги кундаги энг самарали усулларида бири бу биологик баллистиклар (биолистиклар) усулидир. Бошланғич материал сифатида суспензияли культура, каллус ёки бир паллалиларнинг културада ўсаётган 4-5 кунлик муртаги олинади. Бу усулда, таркибида ДНК бўлган вольфрамнинг майда заррачалари геннинг трансформацияси учун зарур бўлган ген конструкцияси ДНК-векторига пуркалади. ДНК тутувчи вольфрам заррачалари целлофан тагликка ўрнатилиб, биолистик пушка ичига жойлаштирилади. Петри ликобчасидаги агарли муҳитдаги каллус ёки хужайралар суспензияси биолистик пушка тагига 10-15 см масофага қўйилади. Пушка билан вольфрам заррачали ДНК босим остида отилганда хужайра деворлари ёрилиб, ситоплазма ва ядрога киради. Одатда, марказдаги хужайралар nobud бўлади, атрофдаги муваффақиятли трансформация бўлган хужайралар регенерацияланиши учун янги озик муҳитига кўчириб ўтказилади. Баллистик пушка ёрдамида жўхори, шоли, буғдой каби бир паллали ўсимликлар трансформацияланиб трансформант ўсимликлар олинган.

Назорат саволлари

1. Ўсимликлар қайси хусусиятларга эга бўлиши мақсадга мувофиқ?
2. Қайси бактерия плазмидларидан ўсимликлар ген муҳандислигида вектор сифатида фойдаланиш мумкин?
3. Оралиқ ва бинар векторлар деганда нимани тушунаси?
4. Ўсимликлар ген муҳандислигида қандай вируслардан фойдаланиш мумкин?
5. Хужайра органеллаларининг қайси бири вектор ролини бажариши мумкин?
6. Ўсимликларга тўғридан-тўғри генларни ўтказишнинг қандай усуллари биласиз?

7-МАВЗУ: ҲАЙВОНЛАР ГЕН МУҲАНДИСЛИГИ

РЕЖА:

1. Трансфекция
2. Вируслар асосидаги векторлар
3. Сут эмизувчи ҳайвонлар хужайрасига ДНК микроинъекцияси
4. Эмбрионга генларни юбориш ва уларнинг - экспрессияси
5. Ҳайвонларни клонлаш

1. Трансфекция. Сут эмизувчилар хужайрасига генларни киритишнинг энг самарали усулларида бири ген олдиндан бактериал хужайраларда клонланади ва микроорганизмларга эмас, балки културада ўсаётган сут эмизувчилар хужайрасига юборилади. Ҳайвонлар хужайра култураси бактерия, ачитқилар хужайрасига нисбатан кўпроқ сарф талаб қилсада улар

қимматли хусусиятларга эга бўлиб, жуда зарур оксилларни сут эмизувчилар ген маҳсулотли модификациялайди (синтез қилади).

Масалан, кўпгина оксилларни самарали функцияланиши учун уларга углевод ски липидлар занжирини улаш зарур. Бундай занжирларни ҳосил қилиш ва улаш ҳайвон ҳужайрасига хос жараён бўлиб, бактерия ҳужайралари бундай модификацияларни амалга ошира олмайди.

Тозаланган ДНКни сут эмизувчи ҳайвонлар ҳужайрасига самарали трансформациясига трансформацияланувчи ДНК Са иони иштирокида эришиш мумкин. Тахмин қилинишича, ҳужайралар кальцийли ДНКни фагоситоз механизми бўйича ютади, сўнг ҳужайрага кирган молекуланинг кичик қисми хромосомага интеграция бўлади. ДНК интеграция бўлган ҳужайраларни ажратиш учун маркер усулини ишлаб чиқариш зарур. Ҳужайраларни ажратишнинг тимидин-киназа гени бўйича дефектли ҳужайра ажратиш усуллари ишлаб чиқилган. Вируснинг тимидин-киназа гени тутувчи ДНК трансформацияси герпес 1 частота 2/10 ҳужайра тимидин-киназа генига эга бўлади ва селектив маркерда ўсишга муваффақ бўлади. Блот гибридизация анализи усули ёрдамида ўтаётган ҳужайралар тк-гени тутиши тасдиқланди. Бошқа селектив маркер дигидрофолатредуктазани кодирловчи генни (ДГФР) мутант бўлмаган тизимлар трансформациясида фойдаланиш мумкин. Бу геннинг кўплаб нусхаларининг экспрессияси ҳисобига ҳайвон ҳужайрасининг плазмид билан биргаликда фермент ингибиторларининг юқори концентрасиясига чидамлилиги ошади ва шундай қилиб, трансформантларни ингибиторларнинг юқори концентрасияларида танлаб ажратиш олиш мумкин.

Бундан ташқари яна 2 та ген маркерлари тутувчи ва нормал ҳужайраларда фаолият кўрсатувчи универсал векторларни ишлаб чиқариш мумкин.

Улар шундай принцип асосида тузилганки, трансформацияланган ҳужайраси фенотипини аниқловчи прокариотлар генлари, эукариотларнинг регулятор сигнали билан бирлаштирилган.

Биринчи вектор клонланган ксантин-гуанин фосфорибозилтрансфераза бактериял генини кодирловчи бактериял генни СУХ-40 вируси антигени промотори ва полиадениллаш гени орасига ўрнатилган.

Бу геннинг борлиги ҳужайраларнинг микрофенол кислота ва ксантин тутувчи селектив муҳитда ўсишини таъминлайди.

Иккинчи вектор CW 40 геномининг олдинги областига киритилган – неомисин (NeO) антибиотикига чидамли прокариотик генидан ташкил топган. Эукариот ҳужайралар неомисинининг аналогли С 418Рга таъсирчан бўлиб, у (NeO Р) гени маҳсулотидан инактивация бўлади. Шундай қилиб, трансформацияланган ҳужайралар С 418Р тутувчи селектив муҳитда ўсиш хусусиятига эга бўлади.

Агар уни олдиндан клонланган селектив маркер билан уланса сут эмизувчи ҳайвонлар ҳужайрасига хоҳлаган генни селектив маркерлар иштирокида юбориш имкониятини беради. Аммо кейинги изланишларнинг кўрсатишича, ҳужайрадан ташқарида лигирлаш (улаш) шарт эмас экан. Ҳужайралар селектив генни, шу билан биргаликда бошқа ДНКни ҳам ютади (Са иштирокида).

Шундай қилиб, ДНКни селектив маркер билан биргаликда кальций аралашмаси иштирокида котрансформасия усулидан фойдаланиб, хоҳлаган клонирланган ДНКни эукариот ҳужайраси культурасига киритиш мумкин.

2. Вируслар асосидаги векторлар. Бегона генларни ҳужайраларга киритишда ҳайвон ҳужайраси трансформасияси ролига вируслар асосий номзод эди. Вирусли инфекция трансфекцияга нисбатан ДНКни киритишда самарали усуллардан ҳисобланади. Вирус инфекциясида ҳар бир ҳужайра бегона генларнинг кўплаб нусхасига эга бўлиши мумкин. ДНК шундай ўрнашиши мумкин-ки, у вируснинг кучли промотори назорати остида генларнинг юқори даражали экспрессиясини амалга оширади. Унинг маҳсулотлари тадқиқотлар, тажрибалар учун қулайдир.

Кейинги йилларда кўплаб челнокли векторлар ва уларнинг рекомбинант маҳсулотлари яратилган бўлиб, улар ҳайвон ва бактерия ҳужайраларида репликацияланиши ва ҳайвон ҳужайрасида самарали экспрессияланиш хусусиятига эгадир. Кенг тарқалган векторлар рВР 322 плазмиди ва СW 40 вируси ДНКсидан тузилгандир.

3. Сут эмизувчилар ҳужайрасига ДНК микроинъекцияси. Диаметри 01-05 микронли микропипеткалар ва манипуляторларни ишлаб чиқариш асбобларининг пайдо бўлиши билан культурода ўсаётган ҳайвон ҳужайраси ядросига бегона генларни тўғридан-тўғри микроИнъекция қилиш имкониятлари пайдо бўлди. Тимидин-киназа гени тутувчи герпес вируси фрагмент тутувчи плазмидлар ва рВР-322 плазмидаси, тимидин-киназа ҳужайрага Инъекция қилинади ва тк-гени ядрога ўрнашгани ва унда нормал репликация бўлди. Яхши асбоблар иштирокида 1 соатда 500-1000 ҳужайрани Инъекция қилиш мумкин, булардан 50% ҳужайраларда Инъекция қилинган генларнинг турғун интеграсиясига ва экспрессиясига эришиш мумкин. Бу усулнинг устунлик томони шундаки, бу усул билан исталган ДНКни исталган ҳужайрага киритиш имкониятини беради ва ҳеч қандай селектив босимни талаб қилмайди.

Маҳсулот берувчи ҳужайралар яратиш билан биргаликда, сут эмизувчилар ҳужайралари трансформасияси, генларнинг экспрессияси регуляциясининг нозик механизмини ўрганиш ва ҳайвон ҳужайраси зарур бўлса инсон генетик апаратини мақсадга мувофиқ модификациялаш имконини беради, бу медисина генетикасида катта аҳамиятга эга. Бундан ташқари, сут эмизувчи ҳайвонлар ҳужайралари культурани инсон ва ҳайвонлар вакциналари олиш учун вируслар антигенини олишда катта аҳамиятга эга. Бундай вакциналар культураларини олиш, рекомбинант ДНКлар асосида инсон ҳамда ҳайвон ҳужайраларн учун самарали экспрессияланувчи векторлари ёрдамида амалга оширилади.

4. Эмбрионларга генларни киритиш ва улар экспрессияси. Ҳозирги вақтда клонланган бегона генларни ва факат ҳужайралар культурасига балки интакт ҳайвон ва ўсимлик ҳужайраларига киритиш имкониятлари бор. Бундай тажрибалардан мақсад, маҳсулот берувчи ҳужайралар яратишгина бўлмай, балки ҳужайра геномини ўзгартириш ҳамдир, натижада ҳужайра янги хусусиятларга эга бўлади. Агар ДНК кўп ҳужайрали организмга киритилса,

трансформация натижасида янги ген ва генларга эга бўлган хужайраларгина хусусиятларини ўзгартиради. Шундан келиб чиқиб, бутун организмнинг хоссаларини ўзгартириш учун янги авлодга янги хусусиятлар олиб ўтувчи жинсий органларнинг геномини ўзгартириш лозим. Ўсимлик ва ҳайвонларда бўйига ўсиш касалликларга чидамлик, ташқи шароитларга кўникиш каби хусусиятларни ўзгартириш мақсадга мувофиқдир.

Сут эмизувчилар, пашшалар ва баъзи ўсимликлар эмбрионлари хужайраларига генларни киритишнинг усуллари ишлаб чиқилди. Амфибийнинг йирик тухумларидан сичқонларнинг тухум хужайралари ва бошқа эмбрионларини ўрганишга киришилди, чунки сут эмизувчилар орасида улар генетик томондан кўпроқ ўрганилгандир.

Клонланган генларнинг микроИнъекцияси яқиндагина уруғлантирилган сичқон тухум хужайрасининг битта ёки иккала пронуклеусида олиб борилади. Кўпроқ оталик сперматозоид билан киритилган пронуклеус танланади, чунки у ўлчами жиҳатидан каттароқдир. Инфекциядан сўнг тухум хужайра тезлик билан танланган урғочи сичқоннинг тухум йўлига инплантация қилинади, ёки културада бастосист даражасигача ривожлангунига қадар сақланади, сўнг бачадонга инплантация қилинади.

Шундай қилиб, интерферон гени, инсон инсулини, куён глобин гени, оддий герпес вируси, тимидин-киназаси, сичқоннинг лейкомия вируси кДНКси генлари Инъекция қилинган. Битта Инъекция учун молекулалар сони 100 дан 300000 бўлиши керак, улар ўлчами эса 5-50 кб дир. Одатда, 10-30% тухум хужайралар яшайди, трансформация қилинган тухум хужайралардан 40% тирик сичқон туғилади. Шундай қилиб, эришилган натижа 10% ни ташкил қилиши мумкин.

Аммо, ҳозирги кунда эмбрион хужайраларига генларни киритиш усули чегараланган. Ҳар доим ҳам бегона генни хромосоманинг берилган участкасига ўрнатишга эришиш қийин.

5. Ҳайвонларни клонлаш. Клон жинсиз йўл билан олинган хужайра ёки организм популяциясидир. Ҳайвонлар табиатда фақатгина жинсий йўл билан кўпайиб, уларни клонлаш учун, оталанган тухум хужайра ядросини бошқа организм ядроси билан алмаштириш орқали эришиш мумкин. Хусусий ядро хирургик йўл билан ёки рентген нурлари таъсирида олиб ташланади. Бу муолажалар эмбрион ривожланишининг бошланғич этапида амалга оширилади.

Назорат саволлари

1. Трансфекция нима?
2. Қайси вируслардан векторлар яратишда фойдаланилади?
3. ДНК микроИнъекцияси қандай амалга оширилади?
4. Генларни ҳайвон хужайрасига киритишдан мақсад нима?
5. Ҳайвонларни клонлаш деганда нимани тушунаси?

8-МАВЗУ: ХУЖАЙРА МУҲАНДИСЛИГИ

РЕЖА:

1. Хужайра муҳандислигининг моҳияти ва вазифалари
2. Орган, тўқима ва протопластни сунъий озиқ муҳитларида ўстириш ва стериллаш усуллари. Озиқ муҳитини танлашнинг асосий принциплари
3. Каллус тўқимасини олиш.
4. Хужайра суспензияси алоҳида хужайралар культураси
5. ин витро усули ёрдамида яшашга мослашмаган дурагайларни кўпайтириш
6. Хужайра селекциясининг аҳамияти ва вазифалари
7. Ажратилган протопластларнинг бир-бирига қўллаш усуллари

1. Хужайра муҳандислигининг моҳияти ва вазифалари. Хужайра биотехнологияси хужайра, тўқима ва протопластларнинг культураларидан фойдаланишга асосланган. Хужайралари ўсимликлардан ажратиб, ўсимлик организмдан ташқарида яшаб кўпайиши учун зарур шароит яратиш лозим.

Ажратилган хужайра ва тўқималар культурасининг биотехнологиядаги ролини унга йўналишда кўриш мумкин. Биринчи йўналиш ўсимлик хужайраларининг медисина, парфюмерия ва косметика учун зарур бўлган маҳсулотлар, халқ хўжалигининг бошқа тармоқлари учун иккиламчи синтез моддалари, стероидлар, гликозидлар, гармонлар, эфир ёғларини ишлаб чиқариш хусусияти билан боғлиқ. Иккиламчи моддалар сунъий озиқ муҳитларда ўстирилган каллус тўқималаридан олинади. Хужайралар технологияси асосида бизнинг шароитимизда ўсмайдиган ўсимликлардан йил бўйи маҳсулот олиб медисина учун препаратлар ишлаб чиқариш мумкин. Масалан, женшендан тонусни оширувчи моддалар олиш мумкин.

Иккинчи йўналиш – ажратилган тўқима культураларини кўпайтириш ва вируссиз кўчатлар олишда фойдаланилади. Бу усулни ўсимликларни клонли микрокўпайтириш дейилади, бу усул ёрдамида бир йилда битта меристемадан минглаб ўсимликлар олиш мумкин.

Учинчи йўналиш – изолясияланган хужайраларни ўсимликлар селекциясида қўллаб, тез ривожланувчи, ноқулай ташқи факторларга (курғоқчиликка, тупроқнинг шўрлиги, паст ва юқори ҳароратга, фитопатогенларга) чидамли ўсимликлар олиш мумкин. Шу билан бирга бу йўналиш изолясияланган протопластларни бир-бирига қўшиб, соматик дурагайлар олиш йўли билан янги ўсимликларни яратиш имконини беради. Ген муҳандислиги усуллари ёрдамида изолясияланган протопластларга бегон генларни киритиш, кейинчалик янги хусусиятли ўсимликлар олиш, ажратилган чангдон ва уруғмуртакларни сунъий муҳитда ўстириш гаплоидлар олиш, унмайдиган гибрид уруғларни ўстириб ўсимликлар олиш имконини беради. Пробиркада уруғлантириш орқали эса чаширмайдиган ўсимликларни чашиштириш мумкин.

2. Орган, тўқима ва протопластнинг сунъий озиқ муҳитда ўстириш ва стериллаш усуллари. Озуқа муҳитини танлашнинг асосий принциплари.

Орган, тўқима ва протопластларни сунъий шароитда ўстириш учун тажриба маибаини ва ишлатиладиган асбоб-ускуналарни тўла стериллаш лозим.

Ўсимликдан ажратилган ҳужайра ва тўқималар ўстириладиган озиқ муҳитида ўсимликларга керакли ҳамма макроэлементлар: азот, фосфор, калий, кальций, олтингугурт, магний, темир; микроэлементлар: бор, рух, мис, кобальт, марганес, ёд, молибден; шунингдек, витаминлар, углеводлар, фитогармонлар, баъзи озиқ муҳитлари таркибида эса казеин гидролизати ва баъзи аминокислоталар бўлиши керак. Бундан ташқари, озиқ муҳити таркибига ЭДТА (этилен-диамин-тетрасирка кислота) ёки унинг натрийли тузи киритилиши керак. Ажратилган ҳужайра ва тўқималар ўстириладиган озиқ муҳитида углевод манбаи сифатида сахароза ёки глюкозанинг 20-40 г/л миқдори қўлланилади. Каллус тўқималари олишда озиқ муҳитлари таркибига ауксин (ҳужайра дедифференцировкасини юзага келтирувчилар) ва ситокинин (дедифференцияланган ҳужайраларнинг бўлинишини индукцияловчи)лар киритиш керак. Ауксин манбаи сифатида озиқ муҳитларда 2,4-дихлорфеноксисирка кислота (2,4-Д) 1-10 мг/мл; индолилсирка кислота (ИСК) 1-30 мг/л, б-нафтилсирка кислота (НСК)-0,1-2 мг/л кабилар ишлатилади. Кўпинча 2,4-Д ишлатилади. ИСК 2,4-Д га нисбатан 30 марта кам активликка эгадир. Сунъий озиқ муҳитларида ситокинин манбаи сифатида кинетин, б-бензиламинопурин (б-БАП) па зеатин (0,001-10мг/ л) қўлланилади.

Қаттиқ озиқ муҳитини тайёрлашда денгиз сув ўтларидан олинадиган полисахарид агар-агардан (5-7%) фойдаланилади. Хар-хил турларга мансуб ўсимликлар ҳужайралари, тўқималари ва органларини ўстиришда турли таркибдаги озиқ муҳитларидан фойдаланилади. Кўпинча Мурасига-Скуга, Уайт, Гамборга (В-5) озиқ муҳитлари ишлатилади. Мурасига-Скуга озиқ муҳитларидан турлича модификациялар билан апикал меристемалар ўстириши ва ўсимликни микроқўпайтиришда фойдаланилади.

3. Каллус тўқимасини олиш. Ажратилган тўқималар культураси деганда, одатда каллус тўқимаси ёки шиш тўқимаси тасаввур этилади.

Каллус бу дедифференцияланган (дедифференциация – бола ҳужайралар орасида, она ва бола ҳужайралар орасида фарқга олиб келувчи жараёнлар комплекси) ҳужайралардан иборат ихтисослашмаган масса. Каллуснинг ҳосил бўлиши ва ўсиши ауксин, ситокинин гуруҳларига мансуб бўлган фитогармонлар томонидан бошқарилади. Тўқиманинг дифференцияланган ҳужайралари ауксин таъсирида дедифференцировкани енгади, ситокининлар таъсирида эса актив бўлинишга ўтиб, каллусли тўқима ҳосил қилади. Каллус тўқимаси икки хилда фитогармон тутувчи турли сунъий озиқ муҳитларида турли органлар эксплантларида: асептик ўсувчи уруғларда, поя ва илдиз бўлакларида, изоляцияланган паренхима бўлакларида, тугунак тўқималарда, изоляцияланган поя муртагида, баргда осон ҳосил бўлади.

ин витро каллус тўқимаси асосан оқ ёки сарғиш рангда бўлади. Каллус қарий бошлаганда фенол бирикмалари тўпланиши натижасида қўнғир рангга кира бошлайди.

Каллус тўқимаси аморф бўлиб, аниқ анатомик тузилишга эга эмас. Лекин келиб чиқишига, ўсиш шароитига боғлиқ холда у:

1. Пўк, алоҳида майда агрегатларга тез парчаланувчи;
2. Ўрта зичликдаги, меристематик маркази яхши кўринадиган;

3. Зич, камбий элементлари дифференцияланаётган ва системага тушаётган ҳолатда бўлади.

Ҳар бир хужайра ўсишнинг 3 та фазасидан ўтади:

1. бўлиниш;

2. чўзилиш;

3. дифференцировка.

Дедифференцияланган хужайралар кўпайиши ихтисослашмаган кўпайишга, натижада каллус ҳосил бўлишига олиб келади.

Хужайраларнинг ин витро дифференцияланган ҳолатдан дедифференцияланган ҳолатга ўтиши ва хужайраларнинг актив бўлиниши генларнинг активлигининг ўзгариши билан боғлиқ. Баъзи генларнинг фаоллашуви баъзиларининг пассивлашуви хужайранинг оксил таркибининг ўзгаришига олиб келади. Каллус хужайраларида спесирик оксиллар пайдо бўлади ва бир вақтнинг ўзида баргининг фотосинтезига тааллуқли оксиллари камаюди ёки умуман йўқолиб кетади. Дифференцияланган хужайралар дедифференцияланиб каллус ҳосил қилиш жараёнида хужайрада биохимиявий ва ситологик ўзгаришлар рўй беради. Дедифференцировка захира моддалардан фойдаланиб, хужайра органеллаларининг парчаланишидан бошланади. Дедифференцировка индукциясидан 6-12 соат ўтганидан сўнг хужайра қобиғи пўк бўлади ва шишади, эркин рибосомалар сони ортади, Голджи аппарати элементларининг сони кўпаяди, ядрочаларнинг ўлчами катталашади ва сони ошади.

Каллус хужайраси ўзининг ривожланиш сиклига эга. Каллус хужайраларининг қариши, бўлиниш хусусиятларини йўқотмасликлари учун эксплантда пайдо бўлган бирламчи каллус 4-6 ҳафтадан сўнг янги озик муҳитга ўтказилади. Бу муолажани пассирлаш дейилади. Доимий пассирлаш йўли билан хужайраларнинг бўлиниш қобилятини ўн йиллаб сақлаб туриш мумкин.

Каллус хужайралари ин витро ўсимлик организми нормал хужайраларга хос бўлган физиология-биохимиявий хусусиятларга эга бўлади. Улар иккиламчи метаболитлар синтез қилиш қобилятини сақлаб қолади.

Каллус тўқималарининг юқори ҳароратга, осмотик актив моддаларга чидамлилиги хусусиятлари билан нормал ўсимликларга ўхшашдир.

Каллус хужайралари генетик гетерогендир. Каллус хужайралари хромосомалар сони билан фарқ қилади. Меристематик тўқималар ин витро генетик турғун бўлади. Каллус ва суспензия культураларида бошланғич ўсимликка хос диплоид хужайралар тўпламини, 3,4,5 ва ундан кўпроқ хромосома тўпламли *полиплоид* хужайраларни учратиш мумкин. Ундан ташқари каллус тўқималари культурасида анеуплоидни ҳам кузатиш мумкин. Каллус хужайралари қанча узоқ вақт ўстирилса улар пloidлиги билан шунчалик кўп фарқ қилади. Тамаки каллус тўқимасини 4 йил ўстирилгандан сўнг диплоид хужайралар умуман қолмайди, ҳамма хужайралар полиплоид ёки анеуплоид бўлади.

4. Хужайра суспензияси ва алоҳида хужайралар культураси. Хужайралар суспензияси каллусни суяқ озик муҳитига солиб, доимий чайқатиб аралаштириш йўли билан олинади. Эксплантдан пектиназа

ферментидан фойдаланиб, суспензион культура олиш мумкин. Олдин эксплант юзасида каллус тўқимаси ҳосил қилинади, сўнг ундан алоҳида ҳужайралар ва ҳужайра агрегатлари олинади, натижада ҳужайра суспензияси ҳосил бўлади. 100 мл суспензия олиш учун 2-3 г янги каллус тўқимаси керак бўлади.

Суспензион ҳужайраларнинг бўлиниши каллус ҳужайралари индукцияси ва ўсиши учун зарур бўлган гармонлар ауксин, ситокининлар иштирокида боради. Суспензия 2,4-Дли озик муҳитда ўстирилган пўк каллусдан яхшироқ ҳосил бўлади.

Ҳужайра суспензияси биотехнологияда қимматли дори препаратлар бўлган иккиламчи метаболитлар олишда, ҳужайра биомассасини саноатда ўстиришда ва ҳужайра селекциясида, шу билан биргаликда изолясияланган протопластларни олишда бошланғич материал сифатида фойдаланилади.

Ҳужайра суспензияси билан ишлашда уларнинг характеристикасини: яшаш қобилятини, суспензион муҳитидаги зичлиги, агрегатланиш даражаси, ўсиш тезлигини билиш зарур.

Яшаш қобилятини уларни бўяб аниқланади. Бунда метил кўк ёки иванс кўк бўёғи ишлатилади. Бунда тирик ҳужайралар бўялмайди, нобуд бўлган ҳужайралар кўк рангга бўялади.

Генетик ва физиологик изланишлар учун, шунингдек, ҳужайра селекциясида фойдаланиш учун алоҳида ҳужайраларни ўстириш катта аҳамиятга эга. Алоҳида ҳужайралардан олинган клон авлодлар генетик бир хил эмасликнинг сабабларини билишда ёрдам бери.

5. ин витро усули ёрдамида яшашга мослашмаган дурагайларни кўпайтириш. Ҳужайра технологиясининг яна бир йўналиши – бу ҳужайра технологиясидан селекциядан фойдаланишдир. Бу усулдан фойдаланиб, селекция жараёнларини тезлаштириш ва осонлаштириш, ўсимликларнинг янги шакллари ва навларини яратиш мумкин.

Ажратилган ҳужайра ва тўқималарни ин витро ўстиришни икки гуруҳга бўлиш мумкин.

1-гуруҳ. Бу ёрдамчи технология бўлиб, селекциянинг ўрнини бона олмайди, лекин унга хизмат қилади. Бунга ин витро уруғлантириш, уруғмуртакни ва етилмаган гибрид муртакларни ўстириш, чангдон ва микроспораларни ўстириб гаплоид олиш, ажратилган ҳужайраларни криосақлаш, алоҳида гибридларни клонал микрокўпайтиришни киритиш мумкин.

2-гуруҳ селекциянинг анъанавий услубларидан фарқ қилувчи услублар билан ўсимликларнинг янги шакл ва навларини олиш: каллус тўқимасидан фойдаланиб ҳужайра селекцияси, соматик гибридизация, ген муҳандислиги услубларини қўллаш.

Ўсимликлар селекциясида ин витро усулидан ёрдамчи усул сифатида фойдаланиш. Танланган жуфтларни табиий шароитда уруғлантириш мумкин бўлмаган ҳолларда ин витро уруғлантириш усулидан фойдаланилади.

ин витро уруғлантиришни икки хил йўл билан амалга ошириш мумкин.

а) тугунча сиртига чанг қўйилган ҳолда сунъий агарли муҳитларда ўстирилади;

б) тугунчани ёриб озуқа муҳитга уруғмуртакли пласента бўлаги жойлаштирилади, унга яқинроқ жойда ёки пласента тўқимасида тайёр чанг ўстирилади. Уруғланиш кетган-кетмаганлигини уруғмуртаклар ўлчамининг тезликда ўсишидан аниқлаш мумкин. Шаклланган муртак тиним ҳолатга ўтмасдан, тезда ўсиб гибрид авлоднинг ўсиши бошланади.

Постгам чатишмасликни енгиши. Постгам чатишмаслик чанглангандан сўнг келиб чиқади. Бунда ривожланмаган, пуч, унмайдиган уруғлар ҳосил бўлади. Бунга сабаб муртак билан эндосперманинг ривожланиш вақтининг тўғри келмаслиги бўлиши мумкин. Эндосперма ёмон ривожланганида муртак нормал ўсмайди. Бундай ҳолларда етилган пуч уруғлардан муртак ажратиб олинади ва озуқа муҳитда ўстирилади.

Муртакларни сунъий озуқа муҳитларда ўстириш эмбриокультура деб аталади. Етилган муртакларни минерал тузлар ва сахароза тутувчи физиологик актив моддалар солинмаган оддий озуқа муҳитларида ўстириш мумкин.

Эмбриокультураларни селекцияда қишлоқ хўжалик ўсимликларидан узоқ дурагайлар олишда қўллаш ҳозирги кунда катта аҳамият касб этмоқда.

Ажратилган муртаклар культураси ёрдамчи услуб сифатида узоқ дурагайлашда нафақат постгам чатишмасликни енгишда, балки қимматли дурагайларни микроўпайтиришда ҳам фойдаланилади. Микроўпайтириш каллус тўқималаридан каллусогенез, морфогенезнинг индукцияси ва регенерант – ўсимлик олиш йўли боради.

ин vitro гаплоидлар олиш, уларни селекцияда қўллаш. Гаплоид ўсимликлардан фойдаланиб, керакли комбинацияларни тезроқ топиш, қисқа вақт ичида нав яратиш мумкин. Гаплоидлар стабил гомозигот тизимлар олишда ишлатилади. Гаплоид асослар стерилдир, лекин уларнинг хромосомалар тўпламини колхисин ёрдамида икки марта кўпайтириш мумкин ва диплоид гомозигот ўсимликлар олиш мумкин.

Каллус тўқимасидан регенерант – ўсимлик олиш технологияси ишлаб чиқилгандан сўнг бошланғич ўсимликдан фенотипик ва генотипик хусусиятлари билан фарқ қилувчи ўсимликларнинг янги шакллари яратиш имконияти пайдо бўлди. Бу “сомаклон” деб атала бошланди.

6. Хужайра селекциясининг аҳамияти ва вазифалари. Сомаклонлар (сомаклон ўстирилаётган хужайраларнинг ҳоҳлаган шаклидан ўсимлик олиш) олишни хужайра селекцияси билан биргаликда олиб борилса, яхши натижаларга эришиш мумкин. Хужайра селекциясини қуйидаги услублар билан амалга ошириш мумкин.

- *тўғри (позитив) селекция, бунда хужайранинг маълум алоҳида мутантлари яшаши керак.*

- *нотўғри (негатив) селекция бўлинаётган ёввойи тип хужайраларни танлаб йўқотишга ва метаболитик фаол бўлмаган хужайраларнинг яшаб кетишига, лекин уларда мутасион ўзгаришларнинг қўшимча идентификациясига асосланган.*

- *умумий селекция, бунда ҳамма хужайра клонлари алоҳида ўрганилади.*

- *юзакли селекция ва носелектив танлаш, тизим вариантлари ҳамма*

популяциялар ичидан кўринишига қараб ёки биокимёвий усуллар орқали аниқланади.

Юқорида айтилган усуллардан тўғри селекция кўпроқ тарқалган усул бўлиб, гербисидларга, антибиотикларга, токсинларга, оғир металлларга, тузларга ва бошқа аитиметаболитларга чидамли регенерант ўсимликлар олишда фойдаланилади.

7. Ажратилган протопластларни бир-бирига қўшиш усуллари. Хужайра селекцияси ишларини амалга ошириш учун каллус, культуралар суспензияси ёки ажратилган протопластлардан фойдаланиш мумкин. Хужайра селекциясининг кейинги услуби бу соматик хужайралардан олинган протопластларнинг қўшилишидир. Бу услуб оддий жинсий йўл билан чатиштириш мумкин бўлмаган ўсимликларнинг филогенетик узоқ турларини чатиштириш имкониятини беради.

Протопласт - бу пектин-селлюлозали қобикдан маҳрум этилган тирик хужайрадир. Ҳозирги вақтда протопластларни ўсимликларнинг турли органлари тўқималаридан: илдиз, барг, гул ва меваларидан, картошка туганагидан, турли шишлардан ва микроспоралардан ажратиб олиш мумкин. Пектолитик, селлюлитик ферментлар ва осмотик актив моддалар эритмалари билан протопластларни зарарламасдан хужайра деворини парчалашга эришиш мумкин.

Агар ажратилган протопластлар озуқа муҳитларига экилса, 3-4 кундан сўнг яна хужайра девори тикланиб, хужайралар бўлинишга ўтади. 12-14 инчи кун ичига ҳамма хужайралар микроколонияларга айланади. 20-40 та хужайралардан иборат микроколониялар янги озуқа муҳитига ўтказилади, у ерда улар каллус ҳосил қилади. Шу каллуслардан регенерант ўсимлик олиш мумкин. Ажратилган протопластлар қўшилиш хусусиятига эга. Бир хил ўсимликлар протопласти, ҳар-хил турга мансуб ўсимликлар протопласти ва турли оилага мансуб ўсимликлар протопластлари билан қўшилиши мумкин. Протопластларнинг қўшилишидан гибридлар ёки сибридлар ҳосил бўлади. Сибрид хужайра иккала партнёрнинг ситоплазмасига, биттасининг ядросига эга бўлади. Сибридизация ситоплазма СМС хоссаларига эга бўлган генларни, баъзи гербисид ва патогенларга чидамлилиқ генларини ўтказиш имконини беради.

Назорат саволлари

1. Хужайра муҳандислиги ҳақида тушунча беринг.
2. Орган, тўқима, хужайра ва протопластнинг сунъий озиқ муҳитда ўстиришдан мақсад нима?
3. Каллус тўқимаси қандай ҳосил бўлади?
4. Хужайранинг яшаш қобилятини қандай аниқлаш мумкин?
5. Хужайра суспензияси нимага кепак?
6. Алоҳида хужайралар олиш услубини айтиб беринг?
7. Хужайра технологиясидан селекцияда фойдаланиш деганда нимани тушунасиш?
8. Ажратилган хужайра ва тўқималарни ин витро ўстириш усулларини айтиб беринг?

9. Протопластдан регенерант ўсимлик олиш босқичларида нималар қилиш керак?

9-МАВЗУ: ЎСИМЛИК ҲУЖАЙРАЛАРИ МУҲАНДИСЛИГИ


РЕЖА:

1. Ўсимликларни клонал микроўпайтиришнинг моҳияти, босқичлари ва услублари;
2. Вируссиз экиш материаллари олиш технологияси;
3. Ҳужайра ва тўқималар банкини криосаклаш;
4. Ўсимликларни ўстириш ва ривожлантириш фиторегуляторлари, уларнинг таъсир механизми, классификацияси;
5. Ўсимликларни ўстириш ва ривожлантириш сунъий регуляторлари ва уларни амалиётда қўллаш

1. Ўсимликларни клонал микроўпайтиришнинг моҳияти, босқичлари ва услублари. Ҳужайра ва тўқималар култураси соҳасида эришилган ютуқлар асосида вегетатив кўпайтиришнинг янги усули – клонал микроўпайтириш ин витро (пробиркадаги шароитда жинссиз йўл билан бошланғич нусхаси бўлган ўсимлик олиш) усули яратилди. Бу услуб анъанавий услубларга нисбатан бир қатор қулайликларга эга. Генетик бир хил экиш материалларини олиш, меристема културасидан фойдаланиб вируссиз ўсимликлар олиш, кўпайишнинг юқори коэффисиентига эришиш, селекцион даврни кискартиш, ўсимликларнинг ювенил фазадан репродуктив фазага ўтишининг тезлашиши, қийин кўпайувчи ўсимликларнинг кўпайтирилиши, бутун йил давомида ишни давом эттириш, экиш материалларини экиб ўстириш майдонининг тежалишини имкониятини бери.

Ўсимликларни клонал микроўпайтириш жараёнини 4 та босқичга бўлиш мумкин:

1. Донор ўсимлик танлаш, эксплантларни ажратиш ва яхши ўсувчи стерил култура олиш;
2. Максимал миқдорда мериклонга эришилгандан сўнг хусусий микроўпайтириш;
3. Кўпайтирилган ниҳолларда илдиз ҳосил қилиш, уларни тупроқ шароитида ўсишига кўникма ҳосил қилиш;
4. Ўсимликларни иссиқхона шароитида ўстириш ва уларни далага экишга тайёрлаш.



3.3-Расм.

Ысимликларни бор меристемаларини фаоллаштириш усули билан кыпайтириш чизмасы:

- 1 - тепа меристемасини юлиб ташлаш йыли;
 2 - озу=а муштитига цитокининлар ышыши йыли
 Б/Г – гормонсиз мушит; Ц- цитокининлар, А-ауксинлар.

Ц


Клонал микрокўпайтиришнинг бир қанча усуллари мавжуд. Адабиётларда берилган услублардан келиб чиққан ҳолда қуйидаги йўллар билан бу жараёни амалга ошириш мумкин.

Ўсимликда мавжуд бўлган меристемани фаоллаштириш; эксплант тўқималарида адвентив куртакларнинг пайдо бўлиши индукцияси; соматик эмбриогенез индукцияси; бирламчи ва қайта экилувчи каллус тўқимаси адвентив куртакларнинг дифференциацияси.

3.4-расм.

Ысимликларни *in vitro* шароитида бор былган меристемаларни ысишини фаоллаштириш усули:

а – стахис; б – анор; в – картошка.



3.5-расм.

Ысимликларни адвентив куртакни индукция =илиш ор=али кыпайтириш:

а- бу`дой; б- орхидея; в- сосна.



Ўсимликларни клонал микрокўпайтиришда ўсимликда мавжуд бўлган меристемаларнинг фаолланиш услуби кенг қўлланилади. Бу иккита йўл билан амалга оширилади:

а) поянинг юқори меристемасини олиб ташлаш ва ин витро гапмонсиз муҳитда новдаларни микроқаламчаш.

б) бачки новдаларни ривожлантиришни индусирлаш учун озик муҳитга ситокинин каби моддаларни қўшиш. Ситокинин сифатида 6-бензиламинопури (ВАП) ёки 6-фурфурил аминопури (кинетин), шунингдек, 2-изопентениладенин (2 ип) ва зиатиндан фойдаланилади. Шундай тарзда олинган новдалар оналик эксплантлардан ажратилади ва бачки меристемалардан новдаларнинг кўпроқ ҳосил бўлиши учун яна янги тайёрланган муҳитда ўстирилади.

Ҳозирги вақтда бу услубдан фойдаланиб, қишлоқ хўжалиги ўсимликларининг, техник ўсимликлар, сабзавот-меваларнинг, тропик ва субтропик ўсимликларнинг, декоратив ўсимликларнинг вируссиз экиш материаллари олиш ишлари йўлга қўйилган.

Баъзи қишлоқ хўжалик ўсимликлари, масалан, картошка учун клонал микрокўпайтириш технологияси ишлаб чиқаришнинг асосини ташкил қилади. Ўсимликда мавжуд бўлган меристеманинг активасияси усули картошканинг битта меристемасидан 10^5 дан кўпроқ ўсимлик олиш имконини беради. Технология асосида пробиркаларда хўжалик аҳамиятига молик қимматли уруғлик материал микротугунаклар яратилмоқда.

2. Вируссиз экиш материаллари олиш. Клонал микрокўпайтиришнинг асосий хусусияти – бу генетик бир хил вируссиз экин материаллари олишдир. Бунга апиқсларнинг меристема тўқималаридан ва поя органларига хос бачки куртакларидан фойдаланиб эришиш мумкин.

Клонал микрокўпайтиришнинг муваффақияти меристематик эксплантнинг ўлчамига боғлиқ. Барг асоси ва поя тўқимаси қанча катта бўлса, морфогенез жараёни енгилроқ кечади ва нормал, бутун пробирка ўсимлигининг ҳосил бўлиши билан тугалланади.

Бошланғич ўсимликларни термотерапия ва химотерапия қилиш йўли билан вируссиз апикал меристемалар олиш мумкин.

Термотерапия усули ин виво ва ин витро шароитларида куруқ, иссиқ

ҳавони қўллашга асосланган. Юқори ҳарорат вирус заррачаларига уларнинг рибонуклеин кислоталари ва оксил қобиклари орқали таъсир қилиб, уларнинг парчаланишига ва вирус заррачаларининг зарарлаш қобилиятининг йўқолишига олиб келади. Термотерапияда ўсимликлар термокамераларга жойланади ва ҳароратни 25°C дан 37°C гача оширилади. Ҳар куни 2°C га кўтарилади. Камерадаги ёруғлик 5 минг лк, намлик 90% ни ташкил қилиши керак.

Химотерапия усули – апикал меристемалар ўстириляётган озик муҳитга гуанозин 1 в-Д-рибофуранозил-1,2,4-триазол-3-карбоксимед (виразол) 20-50 мл/л нинг қўшилишига асосланган.

Суюқ азотда (196°C ҳароратли) ўсимликлар соматик хужайраларининг криосақланиши биотехнологияда янги йўналиш бўлиб, 70 йилларда кенг ривожлана бошланди. Ушбу технологиянинг мақсади, генофонднинг културада ин витро сақланиши, селекционерларни генофонд билан, дурагайлаш учун зарур бўлган чанглари, уникал уруғлар, ҳар хил турдаги ўсимликларнинг трансформасия қилинган мутант, гибрид хужайралар, зиготик ва соматик муртаклар билан таъминлашдир. Ҳозирги вақтда каллус тўқималарнинг, ажратилган пропластларнинг, меристемаларнинг поя учларининг криосақланиш шароитлари ишлаб чиқилган.

3. Хужайра ва тўқималар банкни криосақлаш. Криосақлаш ишларини амалга ошириш учун аввало хужайраларнинг спесификациясини ҳисобга олиш зарур, бунинг учун кичкина вакуолали, кам сувли майда хужайраларни танлаб олиш керак.

Криоконсервасия жараёни хужайраларни музлатишга тайёрлашдан бошланади, буни бир неча услубларда амалга ошириш мумкин, масалан, хужайраларни осмотик актив моддалар маннит, сорбит, аминокислоталар тутувчи озик муҳитларда ўстириш.

Криопротекторларни хужайраларнинг осмотик ва механик таъсирлардан сақловчи моддаларни танлаш. Бунга диметилсулфооксид (ДМСО, 5-10%), глисерин (10-20%), шунингдек, поливинил-пиролidon (ПВП), дестран, полиэтиленгликол (ПЕГ) киради. Музлатиш 0 дан -40°C гача ҳароратда олиб борилади. Шундай тарзда секин музлатиш натижасида хужайралар таркибидаги сувдан холи бўлиб, -40°C да хужайралар батамом сувсизланиб, ўсимлик материал бўлган ампулани суюқ азотга солишга имкон туғилади.

4. Ўсимликларни ўстириш ва ривожлантириш фиторегуляторлари, уларнинг таъсир механизми, классификацияси. Ўсимликларнинг табиий ва синтетик ўсиш ва ривожлантириш регуляторлари - фиторегуляторлар ўсимликлар онтогенезини, хужайралар дифференцировкасини, хужайралар бўлинишини, янги тўқима ва органларнинг ҳосил бўлишини, ўсиши ва ривожланишини тезлаштириш, ҳосилдорлигини ошириш, ҳосилнинг сифатини яхшилашни бошқаришдаги муҳим моддалардир.

Ўсимликларни ўстириш ва ривожлантириш регуляторлари органик бирикмалар бўлиб, жуда кам миқдори ўсимликларнинг моддалар алмашинувига таъсир этади ва уларнинг ўсиш ва ривожланиш жараёнларини ўзгартиради. Улар олдин – кўп йиллик ўсимликларнинг қаламчаларида илдиз ҳосил қилиш учун сўнг, донли ўсимликларнинг эгилиб қолишининг олдини олишда

фойдаланилган эди, ҳозирги вақтда эса қишлоқ хўжалиги ўсимликларнинг интенсив ўстириш технологиясида қўлланилади.

Фитогармонлар - ўсимликда синтезланиб, уларнинг бошқа органларига ташилади ва унинг озгина миқдори ўсимликни бўйига ва энига ўсишини таъминлайди.

Фитогармонлар таъсирининг асосий элементи, унинг ўсимликлар генетик аппаратида таъсири бўлади. Ҳозирги вақтда бу таъсир, биринчидан бир қатор гормонал генларнинг экспрессияси стимуляцияси ҳисобига, иккинчидан ДНКнинг метилланишининг умумий камайиши ҳисобига намоён бўлиши аниқланган. Фитогармонларнинг ўсимлик генетик аппаратида таъсирининг усули қуйидагиларда намоён бўлади: фитогармонлар оксил ресептори билан бирлашади ва бевосита ресептор гармон бирикмаси кўринишида ёки қатор оралик реакциялар орқали ДНК билан бирлашган оксил билан ва насл информасияларининг ўқилишига қаршилик қилувчи репрессор оксиллар билан бирлашади. Бунинг натижасида репрессорлар билан ДНК молекуласи орасидаги ўзаро боғлиқлик бузилади ва озод бўлган генлар маълумот ўқилишини ва уларга тааллуқли оксил ферментлари BIOSинтезини амалга оширади. Фитогармонларнинг бундай ҳаракати танлов асосида юзага келади, яъни маълум фитогармонлар ДНКнинг бутун молекуласидан эмас, балки алоҳида генлардан репрессор тўсиқларни олади.

Геномга фитогармонларнинг таъсирининг иккинчи усули шундан иборатки, унинг таъсирида ДНКнинг метилланиш даражаси камаёди ва бунинг ҳисобига генетик маълумотларнинг ўқилишининг умумий қобиляти ўсади. Бу таъсир механизми ҳали охиригача ўрганилмаган бўлиб, фақат ситокининларнинг ДНКга ўрнашиб олиб, метил гуруҳларнинг (CH_3) бирлашишига қаршилик қилиши маълум.

Ҳозирги вақтда 6 гуруҳ фитогармонлар мавжуд:

1. Ауксинлар. 1930 йилларда Ф.Кегль томонидан табиий ауксин ажратиб олинди ва унинг кимёвий таркиби – индолил-3 сирка кислота (ИСК) аниқланди. ИСК триптофан аминокислотасидан ҳосил бўлади. Ауксиннинг асосий синтез бўладиган жойи поянинг апикал меристемаси бўлиб, у ердан ўсимликнинг бошқа органларига ташилади. Ауксин ҳужайранинг чўзилиши, бўлиниши, дифференцировкасини стимуллайдди.

2. *Ситокининлар* 1955 йилда топилган бўлиб, ҳужайра бўлинишини стимуллайдиган фактор бўлиб ҳисобланади. Биринчи табиий ситокинин зеатин деб аталган. Ҳозирги пайтда 12 та бошқа ситокининлар маълум бўлиб, уларнинг таркиби зеатинга яқин. Ситокининлар ўсимликларда мевалон кислотасидан ва 5Ъ – АМФдан синтезланади. Улар илдиз апикал меристемасида синтезланиб бошқа органларга ташилади.

3. *Гибберелинлар* 1926 йилда топилиб, 1938 йилда Японияда шолининг бўйига ўсишини тезлаштирувчи патоген замбуруғ маҳсулоти сифатида ажратиб олинган. Гибберелинлар мевалон кислотасидан синтезланади. Унинг физиологик таъсири ўсимликларнинг бўйига ўсиши билан боғлиқ. Гибберелинлар ўсимликларнинг уруғи ва тугунакларини тиним ҳолатдан чиқариш хусусиятига эга.

4. *Этилен* газсимон фитогармон бўлиб метионин аминокислотасидан синтез бўлади. Этилен ўсишнинг ювенил фазасида меристематик тўқималарида, кейинчалик мевада ҳосил бўлади. Меваларнинг пишишини тезлаштиради.

5. *Абсцизов кислотаси* (АБК) 1964 йилда биринчи бўлиб гўзанинг кўсагидан ажратиб олинган. Ўсимликларда мевалон кислотасидан синтезланади АБК ингибитор таъсирга эга фитогормондир. АБК уруғ куртак ва тугунакларнинг тиним ҳолатга ўтишини таминлайди.

6. *Брассиностероидлар* ўсимликларнинг ягона стероид табиатли гармони бўлиб, физиологик таъсири бошқа гармонларникига ўхшаш, масалан, ауксин сингари хужайраларнинг чўзилишини, гибберилин каби ўсимликларнинг бўйига ўсишини, таъминлайди. Спесифик таъсири эса уруғмуртакнинг ўсиш регуляцияси билан боғлиқ. Чанг билан тушган брассиностероид уруғнинг ўсиши ва ривожланишини стимуллайди.

Бошқа табиий регуляторлар. Буларга жасмин кислота, салисил кислота ва олигосахаридлар киради.

5. Ўсимликларни ўстириш ва ривожлантириш синтетик регуляторлари, уларни амалиётда қўллаш. Ўсимликларнинг фитогармон тизимида йўналтирилган таъсири фиторегуляторлар, яъни, ўсимликларнинг ўсиш ва ривожлантириш регуляторлари орқали амалга оширилади. Фитопегйляторлар деб, ўсимликларнинг бўйига ўсиши ёки шаклланишига таъсир этувчи моддаларга айтилади.

Ауксиннинг аналоги илдиз ҳосил бўлишини стимулловчи моддалар: индолилсирка кислота, индолил-3 мой кислота, нафтилсирка кислота ва бошқалар. Бу бирикмаларни биотехнологияда ўсимликларни вегетатив кўпайтиришда ўсимликларни қаламчалашда ишлатилади. 2-нафтилсирка кислота, унинг тузлари ва эфири (уэтин) помидор, ананас, узум. маймунжонларда мева ҳосил бўлишини яхшилашда фойдаланилади. Ситокинин аналогларини биотехнологияда каллус тўқималари олишда хужайра бўлиниши активисиясида, новдаларнинг дифференцировкасини тезлаштиришда ва апикал доминантликни камайитишда қўлланилади. Шунингдек, уруғсиз узумнинг мевасини катталаштиришда фойдаланилади. Буларга 6-БАП, кинетин киради, уларни синтетик гибберлинлар билан биргаликда ишлатилади. Бундан ташқари ситокинин аналоглари сабзавотларнинг эскиришини олдини олади.

Гибберелинлар аналоглари. Бу моддаларни асосан узумнинг мевасини ўлчамини катталаштиришда фойдаланилади. ГК₃, ГК₄, ГК₇ гибберелиналари кенг тарқалган бўлиб, улардан уруғ ва тугунакларнинг тиним ҳолатдан чиқаришини таминлашда ва уларнинг яхши унишини амалга оширишда фойдаланиш мумкин.

Этилен аналоглари 2-хлоретилфосфон кислота (2-хефк, этефон) асосида этрел, кампозан, флордимекс, гидрел, дигидрел, декстрел препаратлари ишлаб чиқилган. Гидрел ва дигидрелдан ташқари препаратлар иссиқ қонли организмлар учун зарарли ҳисобланади. Этилен маҳсулотлари ретардант сифатида ажратувчи қатлам ҳосил қилувчи, ўсимликнинг чидамлилиги ва тиним ҳолатга ўтишининг индуктори ва стимулятори сифатида фойдаланилади.

Бундан ташқари этилен маҳсулотлари меваларнинг пишиб етилишини тезлаштириш мақсадида ҳам қўлланилади.

Бугун биз алоҳида атомлар устида амаллар бажара оламиз, бироқ «автоматлаштириш» режимида ўтмай туриб, бирор мураккаб матоҳ (деталь)ни яшаш амри маҳол, чунки атомлар сон-саноксиздир. Оддий, лекин бошқарилувчи ва яна айнан акустик, электромагнит ва бошқа сигналлар билан бошқарилувчи-механизмлар яратиш орқали ўзига хос «митти йиғувчи-конвейер» цехини ишга тушириш мақсадга мувофиқдир. Нанокomпьютерлар бошқарувчи остида ўзига монандларини ва ёки ўзиданда мураккаброқ структураларни барпо қилувчи наномашиналарнинг табақалаштирилган бутун бошли оиласини яратиш ишини тахмин қилинмоқда (кутилмоқда). Нанокomпьютерлариинг яратилишига монелик қилувчи принципал ёки фантастик қийинчиликлар мавжуд эмас, унинг энг фаол электрон элементлари аллақачон лаборатория шароитида тайёрланиб, улар устида синов тадқиқотлари олиб борилмоқда. Баъзи ҳисоб-китоблар молекуляр роботларнинг яқин ўн йил(лар) ичида пайдо бўлишидан дарак бермоқда. Уларнинг ёрдамида барча касалликларга (энг аввало қариш жараёни билан боғлиқ бўлганларига) ёки ҳеч бўлмаганда уларнинг катта қисмига бутунлай барҳам берилади. Турли мулоҳазаларга кўра, бу йигирма биринчи асрнинг учинчи ёки тўртинчи чорагида яни максимум 50-75 йилдан сўнг содир бўлади.

Нанотехнологияларни тадбиқ қилиш оқибатида қандай таҳдид ва муаммолар туғилади? Ҳар қандай янги технология албатта ўзи билан ижобий мазмун моҳият олиб келади, лекин у доимо (минглаб афсуслар бўлсинким) салбий оқибатларни ҳам келтириб чиқаради. Тинч мақсадларда ишлатиладиган атомнинг порлоқ истикболини ким ҳам эсламайди дейсиз? Полиэзараркунандаларига қарши «зарарсиз» чанглашлар орқали янги кураш усулиничи?

Нанотехнологиялардан биринчи бўлиб, ҳеч шубҳасиз ҳарбийлар

фойдаланишга интилишади. (Улар аллақачон бу ишга қўл урган бўлсалар ажаб эмас!). Олимлар нимаики ихтиро қилишмасин, барибир у аввал қурол учун, сўнгра эса бошқа яроқлар учун қўлланилади. Нанотехнологиялар туфайли қуролларнинг мутлақо янги турлари, шу қатори ҳимоя воситалари ҳам пайдо бўлади. Албатта, нанотехнологиялар тадбиқ спектрининг ҳарбий ташкил этувчисидан қўрқиш керак. Лекин айти пайтда тараққиётнинг бинар йўналашини ҳам тўхтата олмаслигимизга ақлимиз етади. Инсон ўзи азалдан шундай яралган.

Нанотехнологиялар инсониятнинг бутун борлигига кучли ва ҳар томонлама (яни, тотал) таъсир кўрсатади. Унинг оқибатлари одамзот ҳозирги кунгача бошидан кечирган. Индустриал инқилоб (техника ва технологиянинг кескин тараққиёти) оқибатларидан кескин тарзда ва сезиларли маррага устунлик қилади. Мисолларга мурожаат қиламиз: биз ҳаммамиз севадиган автомобиллароммавий ҳаракат воситасига айлангач атроф-муҳитни булғаб, унга глобал масштабда экологик хавф сола бошлади. Чунки биз ишдан чиққан, яроқсиз автомобилларни тўла ҳажмда утилизасия қила олмаймиз, улардан чиқувчи заҳарли газларни эса бу ўринда айтмай кўяқолайлик. Уй бекалари жуда маъқул кўриб ишлатадиган целлофанли пакет жилдлар атроф-муҳит учун ҳақиқий офат саналади, чунки табиат-кимёгар технологлар ижодининг бу ҳосилини тез ва тўла утилизасия қилиш бўйича ўз механизмига эга эмас. Тасаввур қилинг, эртанги кунга келиб, оммавий тарзда заигламайдиган, эскирмайдиган, емирилмайдиган олмос сингари қаттиқ хоссаларга эга бўладиган қулай ва амалий жиҳатдан маъқул наноматериаллар яратилди. Энди мана шу маҳсулотни оддий ва синовдан ўтган табиий утилизаторлар – чириш ва парчаланиши ёрдамида утилизиасия қилишга уриниб кўринг. Нанотехнологияларни тадбиқ қилишнинг экологиядан ташқари ўзига ҳос маиший, этикавий ва ҳали ҳал қилинмаган бошқа муаммовий жиҳатлари ҳам жуда кўп.

Нанотехнология: биринчи қадамлар. Албатта, тахмин башорат ва назарий баҳолашлар ўз йўли билан, лекин барчани энг аввало нанотехнологияларнинг бугунги кунда бевосита қўлга киритаётган ютуқлари қизиқтиради. Эҳтимолки «биринчи қадам» ларнинг энг ёрқин таассуроти - деярли нанотехнология асосида-Интел ва бошқа компаниялар томонидан ишлаб чиқарилган просессорлар бўлди, десак адашмаймиз. Кейинги йиллар СРИ ишлаб чиқаришида -до-нанометрли техпросессор, графикловчи просессор ва хотира микросхемаларининг ўзлаштирилиши – бу соҳа учун ҳал қилувчи аҳамиятга эга. Нанотехнологияларнинг дунёдаги «биринчи қадамлар»ини изчил кузатмоқ учун бу соҳа бўйича йиғилган янгиликларга назар солайлик.

Наномоторлар дунёсидан янгилик. Нанотехнологларнинг энг баланд парвоз бир орзу (амбисия)си саналган – молекуляр масштабдаги моторларни ясаш – биринчи бўлиб, америкалик олимлар томонидан рўёбга чиқарилди. Берклидаги Калифорния университетининг тадқиқотчилари Алекс Уэттил ва Адам Фенимор энг кичик электр ускунасини яратдилар. Соч қистиргичнинг ўткир учида шундай қурилманинг юз миллионтаси жойлашади. У тўрт миллиметр квадрат юзали-кремнийли чипга маҳкамланган. Моторнинг ўзи анча

кичик бўлиб, унинг ўқининг диаметри 20-40 нанометрни ташкил этади, холос. Роторнинг умумий диаметри тахминан 400 нанометр. Мотор статистик электр зарядлари ҳисобига ишлайди. Ускунанинг ўта муҳим, ҳал қилувчи элементи ичма-ич деворли наноқувурдир. Бу қувурлар – коктейл ичиш учун ишлатиладиган узун, ингичка найча шаклини эслатади. Бунда, ички қувур ўқ бўлиб, бошқаси эса – ташқи таянч бўлиб хизмат қилади. Мотор шунчалик кичикки, уни яратган олимларнинг ўзлари ҳам ҳозиргача унинг айнан қандай ишлашини билишмайди. «У тўнқарилаятими ва ёки айланаяптими тасаввур қилиш қийин. Биз ҳозирда унинг ишлаш принципини ўрганаёпмиз. Унинг ҳар бир ҳаракатини 33 миллисекунд вақтдан олдинроқ бажариши бизга малум. Бу биз уни ишлаб олишимиз учун чегаравий тезлик ҳисобланади. Лекин биз ҳозирга доғур наномасштабда нима содир бўлишини ишончли тарзда кўрсата олмадик»-деб изоҳ беришди кашфиёт муаллифлари.

Охирги йилларда углеродли наноқувурлар материалшунослик дунёсида энг машҳур таркибий ашёга айланди. Бир деворли наноқувурлар – бу углерод атомидан бино бўлувчи микроскопик спираллардир. Озининг ўлчамлари ва углероднинг табиий хоссалари туфайли бу қувурлар токни мисниқидан, иссиқликни эса олмосноқидан яхши ўтказишади.

Бўёқ ёки пластмассага – бу материалларда электр ўтказувчанлик хоссасини ҳосил қилиш учун, наноқувурларни қўшиб киритишни-уларнинг биринчи тижорат тадбиғи сифатида баҳоланмоқда. Бу баъзи буюмлардаги металдан тайёрланган долларни полимерлар билан алмаштиришга имкон беради. Жорий йилда СНИ компаниясининг наноқувурлар асосида ишлаб чиқарадиган асосий маҳсулоти электр ўтказувчан гтолимерлардан иборат бўлади. Бундан ташқари, углеродли наноқувурлар аралашмасидан тайёрланган қоплама статистик зарядларни четлаштириш ёки радар сигналинини ютиш учун ишлатилиши мумкин, Яқин йиллар ичида наноқувурлар оптик тола таёрлаш ёки амалдаги транзисторла ва микросхемаларни алмаштиришда қўлланилиши мумкин бўлади. У-қиммат материал ҳозир СНИ уни 500 долларга нархда сотади.

Нанотехнологиялар наномашиналар учун йўл солмоқда. Калифорниянинг Сан-Франсиско шаҳрида бўлиб ўтган Напотеч-2003 конференция қатнашчилари яқин ўн йил ичида нанотехнология ривожини туфайли қуйидагилар яратилишига умид билдирдилар:

- Космик йўлдошнинг бир марта ишлатадиган узатгичи (передатчик).
- Медисинавий таҳлил (анализ) учун арзон ускуналар.
- Буюмларни автоматик ҳисобга олувчи датчиклар.
- Йўллардаги ҳодиса ва ҳолатларни кузатувчи датчиклар. Берклидаги

Колифорния университетининг профессори Алберт .

Пизано (Алберт Рисано) «Нанотехнология-ўлчамлари 100 нм дан катта бўлмаган ускуналарни яратиш ҳақидаги фан бўлиб, у компанияларга янаям ихчам ва арзон наномаҳсулотлар тайёрлаш имконини беради, бу эса ўз навбатида янги бозорларнинг шаклланишига олиб келади»-деб айтди.

Нанозаррачалар-қаллоблар билан курашади. Диаметри бир неча нанометрни ташкил этувчи магнитли заррачалардан ора-сира аралаштириб

тайёрланган штрих кодлар ёрдамида қалбаки мол ва ёки ҳужжатларни тез ва осон аниқлаш мумкин. Дарема университетидан Расел Кауберн қалбакилаштиришнинг олдини оладиган янги технология – таркибида никель ва темир аралашмаси (пермаой) таклиф етди. Микросхемалар худди шу тарика босиб (ишлаб) чиқарилади. Ҳар бир босилган нусха ундаги магнитли заррачаларни алоҳида, ўзгача тарзда жойлаштирилади. Шу сабабли, ҳар бир босилган нусха ягона бўлиб, у бошқаларидан ўзининг нодир магнит майдони билан фарқланади. Штрих коднинг аслигини билиш мақсадида – уни ўлчаш, қайд қилиш ва текширувдан ўтказиш мумкин.



Турли магнит майдонлари ёруғлик билан турлича таъсирлашадилар. Шунинг учун кутбланган лазер нурнинг штрих коддан қайтишн унинг магнит хоссаларини аниқлашга имкон беради. Тафсилотлардан ҳар бир штрих код билан боғлиқ бўлувчи маълумотлар базасини тузиш мумкин.

Янги ускуна штрих кодни текшириш чоғида унинг магнит майдонини ўлчайди ва ундаги шифрланган сонни ўқийди. Сканер маълумотлар базаси билан солиштириб, унинг мазкур штрих кодга мос келишини текширувдан ўтказди. Бу машғулот бир неча секунд вақтни олади. Тизимнинг хавфсизлиги шу нарса билан боғлиқки, бу турдаги штрих кодларни олдиндан маъқулланган характеристикалар асосида буюртма бериб таёрлатиш мутлақо мумкин эмас. Бундай шароитда сездирмай иш кўришлари учун қалбакилаштирувчиларга фақат маълумотлар базасини бузишгина қолади, холос.

Қалбакилаштириш йўлларида бири, маҳсулотнинг оригинал кодини бошқасига ёпиштириш ҳисобларди. Агар штрих кодлар бошқа буюмга кўчириб ёпиштирилиши билан ўз-ўзидан парчаланиб кетадиган материалга босиб чиқарилса бу муаммо осон ҳал бўлади. Сканер ва маълумотлар базаси оддий плеер ўлчамидаги ускунага жойлашади, шу сабабли, амалда маҳсулотларни исталган факт ва жойда текшириш мумкин.

Наноёқилғи синовларга тайёр. Ёқилғи пайдо бўлган ўша замонлардан бери ёқилғига ғаройиб аралашмалар кўшиш орқали уларнинг сарфланишини кескин камайтириш, улар туфайли юзага келадиган ифлосланишларни олдини олиш ҳақида тинмай сўз боради. Хўш, мазкур соҳанинг бугунги куни ва эртанги истиқболи қандай?

Дизель ёкилғисига кўшиладиган аралашма (у Энвирох деб номланади)- Оксфорд университети қошида мавжуд бўлган Охониса фирмаси томонидан ишлаб чиқарилди. У - дизель ва ҳаво орасидаги ёниш реакциясини тезлатиш хусусиятига эга бўлган-цезий оксидининг митти заррачаларидан иборат. Ундан ажралиб чиқадиган кислород туфайли углерод монооксида ва углеводородлар газлари токи ис газигача оксидланади. Бундан ташқари у жараён ажралиб чиқишининг олдини олади. Натижада деярли газ чиқармай тоза ёниш ва двигатель цилиндрининг деворларида чўкиб, қолувчи углероднинг кескин камайишига эришамиз.

Цезий оксидидан фойдаланиш ғояси янги эмас лекин, ҳозирги кунгача унинг асосида тайёрланган бирорта маҳсулот ҳам бозор талабларига мос келмади. Энвжрох заррачаларининг ўлчамлари жуда кичик (Юнм чамасида) болтани учун моддалар бир-бирларига каттароқ сиртлар билан тегишиш имкониятига эга бўладилар. Шу сабабли, уни шунга ўхшаган бошқа аралашмаларга нисбатан 10 маротаба камроқ ишлатишга тўғри келади. Бундан ташқари майда заррачалар ёкилғида бир текис тақсимланади.

БИОТЕХНОЛОГИЯ ФАНИ БЎЙИЧА ТАЯНЧ СЎЗ ВА ИБОРАЛАРНИНГ ИЗОҲЛИ ЛУҒАТИ

Агар-агар-баъзи денгиз ўсимликларидан олинadиган маҳсулот; унинг энг муҳим таркибий қисми углеводлар қаторига киради, у совуқ сувга солинганида бўкади, қайноқ сувда батамом эрийди, эритмаси совиганда таъмсиз ва ҳидсиз, тиниқ, ивиқ чўкма ҳосил бўлади. Бу маҳсулот микроорганизмларга қаттиқ озика муҳити тайёрлашда, қандолатчиликда ширинликлар тайёрлашда ишлатилади. Турлари: ўт (сафро) суюқлиги ва бинафша ранг агар; жўхори уни қайнатмасидаги агар; пиво аталасидаги агар; ачитқи замбуруғли экстрактли агар; сув пептонли агар; глисеринли агар; узум шакарли агар; дезоксихолли агар; лактозали дезоксихолли агар; декстрозали агар; желатинали агар; сафроли агар; картошка ва қонли агар; крахмалли агар; қонли агар; лактоза-лакмусли агар маннитли агар; сут-пептонли агар; сийдикли агар; юмшоқ агар-микробларни икки қатламли озуқа муҳитида ундиришга ишлатиладиган агарнинг устки қатлами; гўшт-пептонли агар; озуқали агар; ярим суюқ агар; оддий агар; балиқ-желатинали агар; шакарли агар; кўрғошин-сиркали агар; қийшайтирилган агар; пиво аталали агар; зардобли агар; фенолфталеинли агар; фуксинли агар; тухум оксидидаги агар; тухум сариғидаги агар.

Агароза-денгиз сувўтларидан олинadиган полисахарид; электрофорез ва хроматографияда гелли муҳит сифатида фойдаланилади.

Агрегация-айрим организм ёки хужайраларнинг тўпланиши, ғуж бўлиб қолиши.

АгроBIOSеноз-экин экиладиган ерларда яшайдиган организмлар йиғиндиси.

Адаптация-мослашиш-организмларнинг эволюсия жараёнида юзага келган яшаш шароитига мослашуви.

Адвентив куртаклар-ўсимликлардаги куртаклар, улар одатда пайдо қилмайдиган хужайра ва тўқималардан ҳосил бўлади.

Адениланиш- йўли билан ферментлар фаоллиги ўзгаришининг бир тури.

Аденин - (аминопурин)-азотли органик бирикма бўлиб, аденин нуклеотиди таркибига киради.

Азотобактерин- ушбу турга кирадиган бактериялардан ташкил топган

бактериал ўғит.

Азотобактер-эркин ҳолда яшаб, ҳаводан азот тўпловчи бактериялар тури.

Акропетал транспорт-ўсимликда моддаларнинг поя апикал меристемаси йўналиши бўйича ташилиши.

Амплификасия-хромосома ДНК кетма-кетлигининг қўшимча нусхасининг ҳосил бўлиши.

Анаэроблар-кислородсиз муҳитда модда алмашилиши ва кўпайишини давом эттира оладиган микроорганизмлар; фақат анаэроб шароитда ўсадиган микроорганизмлар; факультатив анаэроблар кислородли ёки кислородсиз шароитда ўса оладиган микроорганизмлар.

Андрогенез-микроспора ёки чанг дончаларидан соматик эмбриогенез ёки каллус ҳосил қилиш орқали ўсимлик ёки унинг органларининг ҳосил бўлиш жараёни.

Антагонист-рақиб-микроорганизмлар ҳаётини тўхтатувчи ёки бутунлай барбод қилувчи бошқа бир микроорганизм.

Антибиотиклар-микроорганизмлар ҳаёт фаолияти давомида ҳосил бўладиган кимёвий моддалар; жуда оз миқдори ҳам бошқа микроорганизмларга захарли таъсир этади. Антибиотиклар сони ҳозирда 2000 дан ортиб кетган бўлиб, уларнинг синтезланишида замбуруғлар (аспергиллар), шўласимон замбуруғлар ва бошқа микроорганизмлар хизмат қилади; антибиотиклар ишлаб чиқаришнинг Пенисиллиум, Сэпхалоспориум ва Стрептомицес авлодларига мансуб турларида ишлаб чиқариладиган пенисиллинлар-асосий тижорат антибиотиклар ҳисобланади;

Антигенлар-иммун тизимда антителалар ҳосил бўлишини индусирловчи, антитела пайдо бўлишига таъсир этувчи спесирик ҳамкорлик қилувчи оқсиллар.

Антитела-иммун тизим томонида ёки патоген агентлар; оқсилларни (антигенлар) йўқотувчи таъсирга эга оқсиллар.

Апикал доминантлик-апикал меристемадаги гормонлар ёрдамида ён навдаларнинг юқори меристемаси куртаклари ўсишини тўхтатилиши.

Аттрагирлаш хусусияти-стимулятор фитогармонларнинг озиқа моддаларни ўсувчи органга катта миқдорда ташилишини фаоллаш хусусияти.

Ауксотроф мутантлар-жинсий бўлмаган хромосомалар тўплами (1, 2 , 3, ва ҳоказо сонлар билан белгиланади).

Базал-асосий, асосгатегишли; асосида ёки унинг тагида жойлашган-базал таначалар-эукариотик жониворлар (оддий жониворлар, сувўтлар) хивчинларини ситоплазманинг ташқи қаватига ёпишиб туришига ёрдам берадиган тузилма.

Базипетал транспорт-ўсимликдаги моддаларнинг илдизнинг апикал меристемасига транспорти.

Бактериофаглар-бактерияларни инфекцияловчи вируслар.

Бинар-икки қисмдан иборат; бинарли номенклатура-микроорганизмларда авлод ва тур номи билан аталиши; бинарли бўлиниш-хужайраларнинг кўпайиш вақтида иккига бўлиниши.

Биогенез-тирик организмлар томонидан органик бирикмаларнинг ҳосил бўлиши.

Биомасса- микроорганизмларни ўстирилганида хужайралари массаси ёки тирик организм массаси; фаол биомасса-биологик фаоллик кўрсатувчи масса; қуруқ биомасса-организмларнинг қуруқ биомассаси. У ҳўл биомассанинг 15-30% ини ташкил этади; ҳўл биомасса-сузиш ёки айлантириш, чўктириш натижасида суюқ озуқа муҳитидан ажратиб олинган хужайра массаси.

Биореактор-биологик реакцияларни амалга оширишга мўлжалланган сиғим.

Бу атама аэроб ва анаэроб организм хужайраларини ўстириш учун зарур бўлган сифимларда ҳамда хужайра ва ферментларни тўплашда фойдаланадиган найчаларга нисбатан ишлатилади.

БЮСинтез-ферментлар таъсирида тирик организмларда оддий бирикмалардан мураккаб органик моддаларнинг ҳосил бўлиши.

Биотехнология-тирик организмлар ёки биологик қонуният ва хусусиятларнинг саноат миқёсида ишлатилиши ҳақидаги фан йўналиши.

Вектор-генларни клонлашда фойдаланиладиган репликон. Табиий векторлар-кичик плазмидалар, вируслар ва бактериофаглар. Сунъий векторлар эса ДНК-лигаза ёрдамида ҳар хил манбалардан олинган ДНКни бирлаштириш асосида тузилади; ўрнини олиш вектори-клонлаштирувчи вектор; ўсимликларда клонлаш вектори-ўсимлик хужайрасига бегона ДНКни ўтказиш ва жойлаштириш билан шуғулланадиган ген муҳандислигида ишлатилладиган вектор; плазмида вектори-бегона, ёт ДНКдаги ген ёки бир неча генларни бу хилдаги генлари бўлмаган организмга ўтказиб қўйишида қатнашадиган плазмида.

Вируслар-бирорта тирик организмда ривожланиш қобилятига эга бўлган, таркибида нуклеин кислоталар, оксиллар, айримҳолларда липидлар бўлган заррачалар. Вируслар заррачалардан ташкил топган бўлиб, улар нуклеин кислоталар ва оксиллар пўстлоқли ҳолда бўлади. Вируслар 1892 йилда Д. И. Ивановский томонидан очилган бўлиб, 1889 йилда “вирус” атамаси М. Бееринк томонидан таклиф этилган. Вирус ҳамма тирик организмларда касаллик қўзғатади ва ҳамма ерда тарқалган.

Гаплоид-бир организм турига хос бўлган бутун тўпламнинг ярми, хромосомалар тўпламининг билан характерланувчи ядро, хужайра, организм.

Ген – генетик ахборотларнинг ягона структураси муайян регулятор функция, бир ёки бир неча полипептид занжирлар, ёки РНК молекуласи структурасини кодирловчи хромосома қисми (ДНК молекуласи).

Ген муҳандислиги – усуллар ва технологиялар; рекомбинант рибонуклеин ва дезоксирибонуклеин кислоталар олиш технологияси, организмлардан генларни ажратиш, улар билан турли манипуляциялар ўтказиш ва уларни бошқа организмларга киритиш технологиялари.

Генетик код (ГК) – нуклеин кислоталар изчиллиги кўринишидаги нуклеин кислоталари молекулаларида наслий ахборотнинг ёзма тизими. ГК бирлиги бўлиб кодон ёки триплет хизмат қилади. ГК синтезланаётган полипептид занжирига аминокислоталарнинг бирикиш тартибини аниқлайди.

Нуклеин кислоталари молекулаларида кетма-кетлик кўринишида “ёзилган” ирсий ахборотнинг тирик организмларга хос ягона тизими. Генетик коднинг бирлиги кодондир.

Генетик модификацияланган трансген организмлар (ГМО) – ген – муҳандислиги усуллари ёрдамида геномига бегона генларни киритилиши орқали ирсияти ўзгарган ўсимлик, ҳайвон, микроорганизм ва вируслар.

Генетик ҳавф-инсонлар ҳаёти ва соғлиги, атроф-муҳит учун ҳавфли бўлган кутилмаган ирсий ўзгаришларнинг геномда пайдо бўлиши ва организмлар сифатининг ўзгариши.

Генлар библиотекаси-бутун геномни тутувчи клонланган ДНК фрагментлари тўплами.

Генлар экспрессияси – генда рибонуклеин кислота, оксил ва фенотипик хусусиятлар шаклида ёзилган генетик ахборотларнинг юзага чиқиши.

Геном-мазкур организм протоплазмаси органеллаларида жойлашган

хромосомалардан ташқари генларини тутувчи генлар йиғиндиси. Диплоид ҳолатдаги турлар гаметасида биттадан, соматик ҳужайраларда эса иккитадан геном бўлади.

Генотерапия-ресипиент геномига бегона генларни киритиш ёки биологик объект тўқималарида генетик соғлом соматик ҳужайраларни олиш ёрдамида наслий касалликларини даволаш.

Генотип-асос генларининг тўплами. Ирсий асос—организмларнинг генетик (ирсий) конституциясининг ва унинг барча генларининг мажмуи.

Генофонд-организм турлари ёки популяциясидаги ҳар хил генлар турларининг сони ва тарихи.

Гетерозис – бир-биридан қатор хусусиятлар ва белгилари билан фарқланувчи бошланғич шаклларни чатиштириш натижасида пайдо бўлган биринчи авлод дурагайларининг яшаш қобилятининг ошиши.

Гибрид-дурагай-генетик жиҳатдан ҳар хил бўлган турларни чатиштириш натижасида ҳосил бўлган гетерозигота жинси. Ота-она ирсий белгиларини ўзида мужассамлаштирган организм.

Гиногенез – муртак халтаси ҳужайраларидан ўсимлик пайдо бўлиш жараёни.

Гифлар-ипчалар-замбуруғ танасини ташкил этувчи бир ёки бир неча ҳужайрадан ҳосил бўлган, микроскопда аранг кўриш мумкин бўлган иплар.

Гормон ресептор комплекс-гормон ва оксил ресепторининг бирикиши, гормон таъсири амалга ошишининг биринчи босқичи.

Гормон статуси – онтогенезда ўсимлик ва ҳайвон гормон тизимининг умумий ҳолати, эндоген ва экзоген таъсирларга нисбатан ҳосил бўлиш жараёнларида гормонлар миқдори ва улар орасидаги нисбати, ҳаракати, фойдаланилиш ва инактивасияси.

Деструкция – моддаларнинг парчаланиш орқали физиологик фаоллигини йўқотиши.

Дидифференция - ихтисослашган, бўлинмайдиган ҳужайраларнинг дифференцияланмасдан бўлинаётган каллус ҳужайраларига айланиш.

Диплоид – мазкур турга хос сонларни кўрсатувчи гомологик хромосомаларнинг иккита тўплами билан характерланувчи ядро, ҳужайра ва организм.

Диплоидлаш – хромосома тўпламини икки марта кўпайтирувчи модель. Хромосомаларнинг диплоид тўплами (автодигаплоид) ота ёки она хромосомаларини тутувчи иккита гаплоид хромосомалар тўплами.

Дифференциялаш – асосий ва янги ҳосил бўлган ҳужайралар орасида, шунингдек янги ҳосил бўлган ҳужайралар орасида фарқ юзага келтирувчи жараёнлар комплекси.

ДНК – дезоксирибонуклеин кислоталар молекуласи, нуклеотидлар (аденин, гуанин, ситозин, тимин), дезоксирибоза ва фосфор кислота қолдиқларидан ташкил топган.

ДНК бўшлиғи-ДНК занжирида битта ёки бир нечта нуклеотидларнинг етишмаслиги.

ДНК дуплексидаги узилиш – икки занжирли ДНКнинг занжирларининг биттасида ёнма-ён иккита нуклеотидлар орасидаги фосфодиэфир боғининг йўқлиги.

ДНК репликацияси – ферментлар тўплами (ДНК полимераза, лигаза ва бошқалар) ёрдамида ДНК нусхасини ҳосил қилиш орқали унинг молекулаларини иккиланиши (икки марта кўпайиши).

Ёпиқ тизим – ташқи муҳит билан фақат энергия орқали алмашинувчи тизим.

Ёпишқок учлар-комплементлар ҳолдаги ДНК молекуласининг битта ипли учи бўлиб, эндонуклеазалар ёрдамида кесиб олинади.

Жинсий жараён – эркак (спермия) ва урғочи (тухум ҳужайра) жинсий ҳужайраларининг қўшилиш, натижада диплоид ҳужайра (зигота) ҳосил бўлади ва асоснинг жинси белгиланади.

Жинсий хромосомалар – асоснинг жинсини белгиловчи хромосомалар (X, Y, Z ва бошқа ҳарфлар билан белгиланади).

Затравка – ДНКнинг битта занжири билан комплементар ҳамкорлик қилувчи қисқа изчиллик (кўпинча РНК); эркин 3 – ОН – уч ҳосил қилиб, у асосида ДНК-полимераза дезоксирибонуклеотид занжир синтез қила бошлайди.

Идентификация-айнан ўхшатиш, тенглаштириш-моддаёки микроорганизмлар тури ва хилларини аниқлашга қаратилган тадқиқотлар тури.

Иммобилизация (тўплаш) – мембраналарда ҳужайра, ферментларни тўплашда фойдаланиладиган физик ва кимёвий жараён.

Инвертирланган такрорий изчилликлар – Бир молекула таркибидаги бир-бирига қарама –қарши томонларда жойлашган бир хил изчилликнинг иккита нусхаси. Бир-бирларига ёнма-ён жойлашган инвертирланган такрорий изчилликлар палиндром ҳосил қилади.

Ингибитор-тўхтатувчи-ферментлар, фаоллигини тўхтатувчи табиий ёки синтетик модда (сунъий олинган).

Индуктор-репрессор билан қўшилиб, уни оператор билан қўшилиш хусусиятини йўқотадиган, нофаол ҳолатга ўтказадиган паст молекулали модда.

Индукция-фермент синтези, фаглар ривожланиши ва мутасияга ўхшаган биологик жараёни ҳаракатга тушириш.

Инисиация-молекуляр биологиядаги трансляция жараёнининг биринчи босқичи.

Инкубация-ўстириш-маълум шароитда, ҳароратда микробларни ушлаб туриш, ўстириш.

Инокулят-кўпайтириш усули-тирик организмлар, масалан, микроорганизмлар суспензияси озуқа муҳитга ўтказилгандан кейин янги авлод беради.

Интрон – геннинг транскрибцияланаётган “сукунат сақловчи” просессинг жараёнида РНК молекулалари ажралиб чиқаётган ва кодонлар мавжуд бўлмаган қисми.

Иссиқлик шоки оксиллари (ИШО) - ҳароратнинг нормадан ошишига организм томонидан ҳосил бўладиган оксиллар.

Клон – битта ҳужайра ёки молекуладан олинган ҳужайра ва молекулалар йиғиндиси.

Клонлаш – популяцияларнинг органлари билан генетик бир хил ҳужайралар олиш.

Клонли микрокўпайтириш – ин витро жинсиз усул ёрдамида бошланғич ўсимлик билан генетик бир хил ўсимликлар

Кодон – муайян аминокислоталар ёки комплементар терминацияловчи сигнални кодирловчи нуклеотидлар триплети.

Компетенция – ҳужайра, тўқима, орган ва организмнинг индусирловчи таъсирларни қабул қилиши ва унга ривожланишини ўзгартириш орқали спесифик таъсирланиш.

Комплементар занжир – РНК ва унга ҳамкорлик учун мос келадиган нуклеотидларни синтезлан учун фойдаланиладиган ДНК занжирларидан бири.

Лигаза-ДНК занжиридаги узилган қисми фосфодиэфирбоғ ҳосил қилиш ёрдамида бирлаштирувчи фермент.

Лигирлаш – ДНКнинг бир занжирдаги узилиш орқали ажралган асослар орасидаги фосфодиэфир боғларининг ҳосил бўлиши. Бу ибора тўмтоқ учларни бириктириш ҳолларида ва РНК боғлар ҳосил бўлишида ҳам қўлланилади.

Лизис-эриб кетиш, парчаланиш-ферментлар, кислоталар ва ишқорлар таъсирида ҳужайраларнинг парчаланиши; бактерия ҳужайрасида бактериофаглarning кўпайиши натижасида унинг эриб кетиши.

Маркер (ДНК) –электрофорез гелида фрагментлар ўлчамини аниқлашда фойдаланиладиган маълум ўлчамдаги ДНК фрагменти.

Маркер ген – жойлашган жойи аниқланган ва аниқ фенотипик кўринишга эга ген.

Матриса. 1) маълум бир тана (шакл) бўлиб, унга қараб янги шаклнинг ҳосил бўлиши; 2) (молекулали биологияда) ДНК ва РНК ипларини комплементлар синтезланиши учун асос сифатида хизмат қиладиган ва нуклеин кислоталардаги азот асосларининг кетлиги.

Маҳсулдорлик жараёни – моддалар ҳосил бўлиши ва метаболизмнинг ўсимликда бир вақтда кечаётган физиологик, биокимёвий, биофизик ва бошқа жараёнларнинг йиғиндиси, донор-акцептор муносабатлар ва генетик назорат асосида ўсимликларнинг ҳўжалик аҳамияти қимматли органларининг шаклланиши, иккиламчи алмашилишни таъминланиши.

Меёз – хромосомалар сонини редукциясига ва генлар рекомбинациясига олиб келувчи жинсий ҳужайраларнинг бўлиниш жараёни.

Меристема – фаол бўлинаётган дифференцияланмаган ҳужайралардан иборат тўқималар.

Метаболизм- оралик алмашилиш, яъни моддаларнинг ҳужайра ичига тушган вақтидан охириги маҳсулотлар ҳосил бўлгунга қадар айланиши; катаболизм ва анаболизм жараёни йиғиндиси; қоронғуликда кечадиган метаболизм-микроорганизмларнинг (қирмизи бактериялар Рходоспириллум) қоронғида аэроб ҳолда ўсиш хусусияти. Бу хусусият бактерияларда нафас олиш занжирининг керакли қисмлари борлигидан далолат беради.

Метаболитлар-метаболизм жараёнида ҳосил бўладиган моддалар.

Микориза-юқори ўсимликлар илдизи билан замбуруғ ипчаларининг бирга яшаши.

Микроорганизмлар уюшмаси-ҳар доим бирга учрайдиган ва бир-бири билан боғлиқ ҳолда яшайдиган микроорганизмлар бирлашмаси.

Микрофлора-ҳар хил турдаги микроорганизмларнинг маълум яшаш муҳитидаги тўплами; автохтон микрофлораси; сув микрофлораси; ҳаво микрофлораси; балчиқ микрофлораси; одатдаги микрофлора; организм микрофлораси; қўшимча микрофлора; тупроқ микрофлораси; ризосфера микрофлораси.

Митоз – эукариот соматик ҳужайраларнинг бўлиниш жараёни.

Миселлий-замбуруғ тана-замбуруғ, жумладан шўласимон замбуруғларнинг ўсадиган танаси бўлиб, бир ва кўп ҳужайрали ипчалар (гиф)дан иборат.

Модификация-микроорганизмларнинг фенотипик ўзгариши, яъни ҳужайранинг генетик аппаратларига алоқадор бўлмаган ўзгаришлар.

Морфогенез – орган (органогенез), тўқима(гистогенез) ва ҳужайраларнинг (ситогенез ёки ҳужайраларнинг дифференцияланиши) шаклланиш жараёни.

Организмларнинг ривожланиши жараёнида тизимларнинг табақаланиши.

Мутагенез-мутагенез ўзгаришнинг (мутагенезнинг) рўй бериши-организмда ирсий ўзгаришлар-мутасияларнинг вужудга келиш жараёни. Бу жараён асосида ирсий ахборотни сақловчи ва наслга ўтказувчи нуклеин кислоталар молекуласининг ўзгариши ётади.

Мутагенлар – ДНК молекуласида мутасияларнинг пайдо бўлиш частоталарини оширувчи омил. Ирсиятни ўзгартирувчилар-мутасиялар ҳосил қилувчи физикавий ва кимёвий омиллар;

Мутасия – ген, хромосомадаги нуклеотид изчиллик, геномнинг бирорта белгининг ўзгаришига ва уларнинг авлодларда сақланишига олиб келувчи спонтан ва индусирланган ўзгариши.

Нишон - ҳужайра– у ёки бу фитогармон ресепторини тутувчи ва фитогармоннинг концентрасияси ўзгарганда метаболизмни ўзгартирувчи ҳужайра.

Нозерн-блот-РНК бўлакчаларини геллардан элюисия қилишда ишлатилади.

Нуклеин кислоталар – турли нуклеотидлар қолдиқларидан ташкил топган юқори молекуляр табиий бирикмалар (полимерлар). Ҳужайра мағзининг асосини ташкил қилади. Нуклеин кислоталарнинг икки тури: РНК, ДНК ҳужайраларнинг доимий компонентларидир.

Оперон – генетик регулятор структуранинг бирлиги, таркибида битта ёки бир нечта ўзаро бириккан структура, оперон ва регулятор қисмлар генларини тутати.

Органогенез – уюшмасдан ўсаётган каллус ҳужайраларида органлар (илдиз, бошланғич барглар ва нихоллар) ҳосил бўлиш жараёни.

Очиқ тизим – ташқи муҳит билан энергия ва моддалар билан алмашинадиган тизим.

Партеногенез – асоснинг фақат она ҳужайра генлари иштирокида ривожланиши.

Плазмида – автоном репликацияланишга қодир, таркибида ресипиентларнинг бегона генларини ва бошқа ДНК изчиллигини тутиш ва геномга киритиш хусусиятига эга, икки занжирли ҳалқасимон ДНК плазмид вектори асоси.

Полиадениллаш – полиаденил кислота изчиллигининг эукариот РНК 3-учига унинг синтези тугаганидан сўнг бирикиши.

Полиплоидия – организм гаплоид хромосомалар йиғиндисининг каррали ортиши билан боғлиқ бўлган ирсий ўзгарувчанлик.

Пролиферасия – ҳужайра ва тўқималарнинг кўпайиш йўли билан ҳосил бўлиши.

Промотор– геннинг транскрипцияси бошланиши учун жавобгар қисми.

Пронуклеус – уруғланган тухум ҳужайра ядроси.

Протон помпаси – махсус оқсиллар ёрдамида протонларнинг ҳужайра мембранаси орқали ўтиш жараёни.

Протопласт – механик йўл билан ёки ферментлар ёрдамида ҳужайралар қобиғидан маҳрум қилинган, мембрана ёрдамида шаклини ушлаб турувчи ўсимлик ҳужайраси.

Профаг – бактерия хромосомасига ўрнашган фаг геноми. Лизоген бактериялардан яширинган, юқмайдиган шаклдаги мўътадил бактериофаг.

Просессинг- етилиш жараёни бўлиб, унда бирламчи РНК- транскрипт модификацияси учрайди ва етилган РНКга айланади.

Регенерасия-ҳужайралар тикланиши.

Рекомбинант ген – турли генлар компонентларидан таркиб топган ген.

Рекомбинант ДНК-турли манбалардан олинган ДНК қисмларидан иборат ДНК.

Рекомбинасия-кроссинговер натижасида ота-оналар генларининг қайта гуруҳланиши(табақаланиши).

Репарасия-ДНКнинг синтези вақтида ҳамда ҳар хил физик ва кимёвий омиллар таъсирида ДНК молекуласи узилиб қолган ёки шикастланган молекулаларни тузатишга бўлган хужайраларнинг махсус вазифаси.

Репрессия-ген экспрессиясини ва ёхуд ўшанга тааллуқли фермент синтезини тўхтатиш механизми.

Репрессор-маълум оперонда РНК синтезини тўхтатадиган бошқарувчи оқсил.

Рестриктазалар - кесувчи ферментлар, рестрикция ферментлари, ДНКни маълум бир нуклеотидлар қаторида кесадиган ферментлар. Ген муҳандислигида қўлланиладиган восита.

Ривожланиш детерминасияси – бошқа йўналишлардаги ривожланиш имкониятининг чеклаш билан бир вақтда борадиган организм, орган, тўқима ва хужайранинг муайян йўл билан ривожланишга тайёргарлик ҳолати. Детерминасия даврида ривожланишнинг янги йўналиши учун ички зарурий шароитлар яратилади.

Ривожланишнинг ювенил фазаси – уруғ ёки вегетатив куртақдан вегетатив органларнинг репродуктив органлар ҳосил қилишга қобилятини намоён бўлишига қадар ўсиши ва ривожланиши.

Ризосфера-илдиз атрофидаги тупроқнинг микрофлораси-микроорганизмларнинг кўплиги билан фарқланадиган 2-3 мм қалинликдаги илдиз атрофида жойлашган тупроқ қатлами.

РНК – таркибига нуклеотидлар (аденин, гуанин, ситозин, урасил), рибоза ва фосфор кислотаси қолдиқлари кирувчи рибонуклеин кислота молекуласи.

РНК блоттинги - РНКни агарозали гелдан нитроселлюлда филътрига комплементар ДНК билан дурагайлаш учун олиниши.

Сайт-ўрин, жойланиш-генлар харитасидаги нуктали мутасия ўрни.

Саузерн бўйича ДНК блоттинги-денатурланган ДНКни комплементар нуклеотид кетма-кетлик билан дурагайлаш учун агарозали гелдан нитроселлюлда филътрга олиниши.

Сегмент-карж, бўлак.

Секвенирлаш-кетма-кетликни аниқлаш, секвенирлаш-оқсилдаги аминокислота қолдиғини ва нуклеин кислоталардаги нуклеотидларнинг кетма-кетлигини аниқлаш.

Селекция-танлаш-хайвон, ўсимлик ва микроорганизмларнинг янги зотлари, навлари ва штаммларини яратиш усули.

Синергизм – моддалар, жараёнлар ва бошқа омилларнинг ҳамкорликдаги таъсирини оширувчи самара.

Скрининг-битта хужайрадан клон олиш йўли билан микроорганизмларнинг аралаш популяциясидан керагини ажратиш.

Сомаклонал вариАбеллик – культураланган соматик хужайралардан регенерацияланган ўсимликлардаги хусусиятларнинг ўзгариб туриши.

Сомаклонлар – бошланғич шаклларида муайян фарқлар билан фарқланувчи соматик хужайралардан олинган регерант ўсимликлар.

Соматик дурагай – соматик хужайралар қўшилиши (дурагайланиши) орқали олинган регерант ўсимлик.

Соматик дурагайлаш – жинсий жараёндан ташқарида ядро ва органеллалар

генлари ва хромасомаларни генетик рекомбинасияга чақириш жараёни.

Соматик эмбриогенез – ҳужайра ва тўқималар культурасида муртаксимон структуралар (эмбрионидлар) ҳосил бўлиш жараёни.

Стимуляторлар -ўсимликларнинг ўсишини кучайтирувчи омил-ўсимликларнинг ўсишини, ҳужайраларнинг бўлинишини тезлаштирадиган, кучайтирувчи моддалар.Улар табиий ёки синтетик ҳолда бўлиши мумкин. Табиийлари ауксинлар, гибберелинлар ва ситокининлар.

Стресс оксиллар – нокулай шароитларда организм томонидан синтезланувчи ва стресс омилларнинг организмга зарали таъсирини камайитириш имконини берувчи махсус оксиллар.

Суббирлик – оксил молекулаларини ташкил этувчи (тўртламчи структураси) оксил глобулалари.

Субкультуралаш – трансплантларни (инокулумларни) бошқа культурал идишга янги озика муҳитига ўтказиш.

Субстрат-озука муҳит-микроорганизмларнинг ўсиши учун керак бўлган озукa муҳити.

Термодинамик тизим – энергияни ютиш, қайта ҳосил қилиш, тўплаш ва фойдаланиш хусусиятига эга ўзаро боғлиқ элементлар комплекси.

Тотипотентлик – муайян ўстириш шароитида ўсимликлар соматик ҳужайраларининг ўзининг онтогоник ривожланиши ирсий дастурини тўлиқ амалга ошириш.

Трансгеноз – турли векторлар ёрдамида донор, бегона генларни ресипиент ўсимлик, ҳайвон ва микроорганизмлар ҳужайрасига киритиш жараёни. Трансдукцияга мойил фаглар ёрдамида генетик ахборотни бактерия ҳужайрасидан эукариотлар ҳужайрасига сунъий йўл билан ўтказиш.

Трансдукция-бактериофаглар ёрдамида генетик материални донор ҳужайрадан ресипиент ҳужайрага олиб ўтиш.

Транскрипция – РНК полимераза ферменти ёрдамида ДНК матрисасида РНК-нуксасининг ҳосил бўлиши.

Транслясия – ахборот, транспорт РНКси ва бошқа омиллар иштирокида рибосомаларда оксиллар синтези.

Трансплант (инокулюм) – каллус (супензияли) культурасининг бошқа янги озик муҳитига кўчириб ўтказишда фойдаланиладиган қисми.

Транспозонлар-ДНКнинг бир бўлаги бўлиб, молекула ичида бир жойдан иккинчи жойга ва бир молекуладан иккинчисига ўтишга қодир.

Трансформасия-алоҳида ажратилган ДНК ёрдамида ҳужайрага генетик ахборотни киритиш. Трансформасия ёрдамида олинган ҳужайрада ва ундан кейинги авлодларда янги белгиларДНК ёрдамида олинган манбадагига ўхшаган бўлади.

Урасил-РНК таркибига кирадиган пиримидин асоси.

Ўсимликларни гормон тизими – фитогормонлар, уларнинг ресепторлари ваиккиламчи воситачиларидан иборат регулятор комплекс.

Фаглар-микроорганизмлар ичига кириб, унда кўпайиб, кейин уларни эритиб юбурувчи вируслар.

Фаоллаштириш-1) фаолликни кўзғатиш ва кучайтириш; **2)** молекулалар фаоллигини кўзғатиб кимёвий реакцияга киришни тезлатиш.

Фенотип-организмларнинг ривожланиши жараёнида юзага келган ҳамма белги ва хусусиятлар йиғиндиси.

Ферментер-айрим хомашёларни микроорганизмлар ёрдамида бижғитиш учун

ишлатиладиган ҳамма томони берк асбоб.

Ферментлар-биологик тезлаткичлар,энзимлар-оқсилнинг ўзига хос тури; тирик ҳужайраларда ҳам тезлаткич ролини бажаради.

Фитоалексинлар – ўсимликларнинг касалликларга қарши чидамлилиқ тизимининг патогенлар ривожланишини пасайтирувчи генотипик ва реал компонентлари.

Фитогормонлар BIOSинтези йўлларининг ажралиши – ташқи шароит комплекси билан аниқланган бир неча фитогармонлар учун асос бўлган ораликдан у ёки бу фитогармоннинг бир неча фитогармонларнинг ферментатив BIOSинтези йўли.

Фиторегуляторлар – ўсимликларнинг ўсиши ва ривожланишига таъсир этувчи, ўғитлар ва гербисидлар таъсирига эга бўлмаган табиий ва сунъий препаратлар.

Фосфобактерин-фосфор органик бирикмаларни парчалаш хусусиятига эга бўлган бактериялардан ташкил топган бактерияли ўғит.

Фотосинтез-ёруғлиқ энергияси иштирокида ўсимликлар, сувўтлари ва айрим бактериялар ҳужайраларида CO₂ дан органик моддалар ҳосил бўлиш жараёни.

Фрагментлар-парчалар, қисмлар.

Хемосинтез-айрим микроорганизмларга хос бўлган озиқланиш тури. Улар айрим анорганик моддалар (масалан, водород сульфат)ни оксидланиш натижасида ҳосил бўлиб, энергия ҳисобига анорганик моддалардан (масалан, кўмир кислотаси ва сув) органик моддалар ҳосил бўлади.

Хромосомалар – ДНК ва оқсиллардан иборат ҳужайра ядросини генетик структура ҳосиласи. Хромосомаларда организмнинг ирсий ахбороти берилган.

Ҳужайралар селекцияси – селектив шароитлар ёрдамида генетик модификацияланган мутант ҳужайралар ва сомоклонал вариантлар ажратиш усули.

Сентрифуга-ажраткич, чўктиргич-марказдан қочиш қучига асосланган турли хил аралашмаларни қисмларга ажратувчи асбоб;аналитик (лаборатория) ажраткич; тебранувчи ажраткич; горизонтал ажраткич; буғлантирувчи ажраткич; чўктирувчи ажраткич; тиндирувчи ажраткич; препаратив ажраткич; ўз-ўзини бўшатадиган ажраткич; сузиш йўли билан ишлайдиган ажраткич; кўп бўлимли ажраткич; ўта тез айланадиган ажраткич; табақалаштирувчи, тафовутли ажраткич.

Ситозин-ДНК ва РНК таркибида бўлган пиримидин асоси.

Эксплант – озиқа муҳитида инкубация қилинаётган тўқима ёки орган, ёки каллус тўқимаси олиш учун фойдаланиладиган фрагментлар.

Электропорация – ҳужайра мембранасида қўшимча тешикларни ҳосил қилишга ёрдам берувчи электр токи ёрдамида ҳужайрага генларни киритиш усули.

Электрофорез-электр майдони ёрдамида аралашмаларнинг бир жойдан иккинчи жойга ўтиши, бўлақларга ажратиш.

Эндонуклеазалар-фосфодиэфир боғларининг ўзига хос бўлмаган парчаланиши орқали нуклеин кислоталарини парчаловчи ферментлар. ДНКни пурин ёки пиримидин қисмларидан кесувчи ферментлар.

Ин витро – тирик материални пробиркада сунъий озиқа муҳитларда стерил шароитда ўстириш.

Ин виво – тирик материални табиий шароитда ўстириш.

АДАБИЁТЛАР РЎЙХАТИ

1. Асосий адабиётлар

1. Glik B., Pasternak Dj. Molekulyarnaya biotexnologiya: principi i primeneniye. M.: Mir, 2002.
2. Xo‘jamshukurov N.A., Davranov Q.D., Toshmammedov M.S. Oziq-ovqat va oziqa mahsulotlari biotexnologiyasi. Darslik, TKTI, Toshkent. – 589 b.
3. Davranov Q.D. Biotexnologiya: nazariya va amaliyot. Print-Press. Toshkent. 2010. – 589 b.
4. Xo‘jamshukurov N.A. Biotexnologiya asoslari faniadan ma’ruzalar matni. TKTI, Toshkent. 2011. – 123 b.
5. Kvesitadze G.I. Vvedeniye v biotexnologiyu / G.I.Kvesitadze, A.M.Bezborodov. – M.: Nauka, 20002. – 283 s.
6. Yegorova T.A. Osnovi biotexnologii. / T.A.Yegorovoy, S.M.Klunovoy, YE.A.Jivuxinoy. – M.: Akademiya, 2003. – 208 s.
7. Bezborodov A.M. Fermentatsionniye prosessi v biotexnologii. – M.: Nauka, 2008. – 335 s.
8. Patrushev L.I. Iskustvenniye geneticheskiye sistemi. / L.I.Patrushev. – M.: Nauka, 2005. – T.1.
9. Shelkunov S.N. Geneticheskaya injeneriya. /Novosib.gos.un-t. – Novosibirsk, 2004. – 496 s.
10. Pershina L.A. Kultirovaniye izolirovannix kletok i tkaney rasteniy: ucheb.posobiye: v 2 ch. – Novosibirsk. 2000. – CH.1. – 45 s.
11. Pershina L.A. Metodi kulturovaniya in vitro v biotexnologii rasteniy: ucheb.posobiye: v 2 ch. – Novosibirsk. 2000. – CH.2. – 69 s.
12. Pershina L.A. Osnovniye metodi kulturovaniya in vitro v biotexnologii rasteniy: ucheb.posobiye: 2-ye izd. – Novosibirsk. 2005. – 142 s.
13. Selskoxozyaystvennaya biotexnologiya: ucheb.pod red.V.S.Sheveluxi. – M.: Vissh.shk., 2003. – 469 s.
14. Selskoxozyaystvennaya biotexnologiya: Izbranniye raboti pod red.V.S.Sheveluxi. – M.: Yevraaziya+, 2000. – 264 s.
15. Ivanova L.A., Voyno P.I. i dr. Pishevaya biotexnologiya. Kniga 2. Pererabotka rastitelnogo sirya. Izdatelstvo: M.: Kolos. – 2008. – 472 s.
16. Gradova N.B., Kuznetsov A.YE. Nauchniye osnovi ekobiotexnologii. Uchebnoye posobiye. Mir. – M, 2006. – 504 s.

2. Qo‘shimcha adabiyotlar

1. Volova T.G. Biotexnologiya/Novosibirsk: Izd-vo Sibirskogo otdeleniya Rossiyskoy Akademii nauk, 1999. – 252 s.
2. Biotexnologiya. Prinsipi i primeneniye/pod red. I.Xinginsa, D.Besta i Dj. Djonsona. – M.: Mir, 1998. – 480 s.
3. Butenko.R.G. Kultura kletok rasteniy i biotexnologiya / - M.: Nauka, 1986.
4. Babusenkov YE.S., Gradova N.B., Panfilov V.I. Biologicheskaya bezopasnost biotexnologicheskix proizvodstv. Uchebnoye posobiye. Izdatelstvo: Deli print. – M.2010. – 136 s.

5. Korneyev A.D. Innovacionniye sistemi i oborudovaniye dlya biotekhnologii/Izdatelstvo: M.: Voyentexinizdat. 2009. – 231 s.
6. Vinarov A.Y., Gordeyev L.S., Kuxarenko A.A., Panfilov V.I. Fermentacionniye apparati dlya prosessov mikrobiologicheskogo sinteza/ Izdatelstvo: M.: Deli print, 2005. – 278 s.
7. Donchenko L.V., Nadikta V.D. Bezopasnost pishевой produkcii. Izdatelstvo: M.: Deli print, 2007. – 539 s.
8. Vitol I., Kovalenok A., Nechayev A. Bezopasnost prodovolstvennogo sirya i produktov pitaniya. Uchebnik. Izdatelstvo: M.: Deli print. 2010. – 352 s..
9. Korobko V.I. Ekologicheskiy menedjment. Uchebnoye posobiye dlya vuzov. YUNITI-DANA. – M.- 2010. – 303 s.
10. www.cbio.ru
11. www.biotech.ru
12. www.promega.com
13. www.molbio.ru
14. www.biotex.ru

МУНДАРИЖА

бетлар

1	Кириш. Биотехнология фани хақида умумий тушунча.....	4
2	Биотехнологиянинг халқ хўжалиги, соғлиқни сақлаш ва фан соҳаларидаги ўрни.....	8
3	Нуклеин кислоталарнинг асосий хоссалари.....	12
4	Ген муҳандислиги асослари.....	15
5	Рекомбинант ДНК олиш ва генлар библиотекасини яратиш.....	21
6	Ўсимликлар ген муҳандислиги.....	24
7	Ҳайвонлар ген муҳандислиги.....	25
8	Ҳужайра муҳандислиги.....	28
9	Ўсимлик ҳужайралари муҳандислиги.....	34
10	Биоэнергетикада биотехнологиянинг роли.....	41
11	Ферментлар муҳандислиги.....	53
12	Озиқ-овқат ва озуқа маҳсулотлари ишлаб чиқариш биотехнологияси...	65
13	Антибиотиклар ишлаб чиқариш биотехнологияси.....	79
14	Органик маҳсулотлар биоконверсияси.....	91
15	Янги ривожланаётган биотехнологиялар.....	99
	Биотехнология асослари фани бўйича таянч сўз ва ибораларнинг изоҳли луғати.....	107
	Адабиётлар рўйхати.....	125